



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№27-29 (980-982)
2026 йил 17 апрель, жума

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

18
апрель

**Уй-жой коммунал
хизмат кўрсатиш
соҳаси ходимлари
кўни**

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларига

Қадрли юртошлар!

Авалло, сиз, азизларни 18 апрель – Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кўни билан чин қалбдан самимий муборакбод этаман.

Уз хизмат жойида кечани – кеча, кундузни – кундуз демасдан, фидокорона меҳнат қилиб, аҳоли, ташкилот ва муассасаларнинг қулай ва замонавий шароитларда яшashi ва фаолият кўрсатишини таъминлаб келаётган сизлар каби моҳир муҳандис ва ишчилар, уста ҳамда чилангарлар, механик ва технологлар, мутахассислар ҳамда фахрийларга, кўпмиллатли соҳа ходимларига ушбу қувончли айёмда чуқур ҳурматимиз ва эзгу тилакларимизни билдириб, чин дилдан раҳматлар айтаман.

Азиз дўстлар!

Кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар қатори халқимиз турмуш даражасини оширишда муҳим ўрин тутиб келаётган коммунал тизимда ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, илғор халқаро тажрибалар асосида уй-жойларга хизмат кўрсатиш бўйича бошқарув сервис компаниялари ташкил этилгани, уларга давлатимиз томонидан зарур имтиёз ва кафолатлар берилгани хизматлар сифатини оширишда муҳим роль ўйнамоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимиздаги 45 мингта кўп қаватли уйнинг 90 фоиздан ортигига 1 мингдан зиёд ана шундай ташкилотлар хизмат кўрсатаётгани, сўнгги 9 йилда 3 триллион 700 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 51 мингта яқин уйлар таъмирланиб, 3 минг 500 та лифт янгисига алмаштирилганини таъкидлаш лозим.

Соҳада рақамлаштириш жараёнлари жадал олиб борилаётгани туфайли салкам 42 мингта кўп қаватли уй ва 1 миллион 500 минг нафардан ортиқ мулкдорлар "Менинг уйим" биллинг тизимида рўйхатга олинди. Бу эса бошқарув ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишларни бевосита кузатиб, уларнинг фаолиятини баҳолаб бориш имконини бермоқда.

Бундан ташқари, 3 минг 400 та ичимлик ва оқова сув иншооти ва 42 минг километрдан зиёд сув тармоқлари барпо этилди ва реконструкция қилинди. Натижада юртимизда аҳолини ичимлик суви билан марказлашган тизим орқали таъминлаш даражаси 2017 йилдаги 63 фоиздан ҳозирги вақтда қарийб 83 фоизга етди. Иссиқлик таъминоти соҳасидаги кенг қўламли ишлар ҳисобидан қарийб 100 та марказий ва маҳаллий қозонхона, 1276 километр иссиқлик тармоқлари таъмирланди ва модернизация қилинди.

Айниқса, 3 минг 800 дан зиёд кўп қаватли уй ва 371 та ижтимоий объект ушбу тизимга улангани диққатга сазовордир.

Айни вақтда аҳолининг ҳаётий манфаатларини таъминлаш бўйича коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси олдига ҳам улкан вазифалар турибди. Жумладан, 2030 йилгача аҳолини ичимлик суви билан марказлашган тармоқлар орқали таъминлаш даражасини 90 фоизга етказишни режалаштирганмиз. Шунингдек, 103 та қозонхона, 1 минг 600 километр иссиқлик тармоқлари барпо этилади ва реконструкция қилинади. Давлат-хусусий шериклик тамойили асосида ва халқаро молия институтлари иштирокида эса 13 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Буларнинг ҳисобидан марказлашган иссиқлик таъминоти қамрови ҳозирги 37 фоиздан 58 фоизга етказилади.

Сизлар ўзингизнинг бор куч-ғайратингиз, билим ва тажрибангизни сафарбар этиб, ана шундай улкан вазифаларни адо этишга муносиб ҳисса қўшасизлар, деб ишонаман.

Уз навбатига, мамлакатимизда коммунал соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, тизимда фаолият кўрсатаётган ишчи ва ходимлар меҳнатини рағбатлантириш бундан буён ҳам давлатимизнинг эътибор марказида бўлади.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин юракдан табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, меҳнат фаолиятингизда ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга байзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Шарафли касб соҳиблари тақдирланди

Пойтахтимизда
18 апрель –
Уй-жой коммунал
хизмат кўрсатиш
соҳаси ходимлари кўни
муносабати билан
тадбир бўлиб ўтди.

Унда соҳа вакиллари, мутасаддилар ҳамда кўп йиллар давомида фидокорона меҳнат қилиб келаётган мутахассислар иштирок этишти.

Тадбир аввалида Бош вазир ўринбосари Очилбой Раматов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларига йўлаган байрам табригини ўқиб эшиттирди.

Табриқда сўнгги йилларда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар алоҳида эътироф этилди. Хусусан, бошқарув сервис компаниялари фаолиятининг йўлга қўйилгани, кўп қаватли

уй-жой фондини модернизация қилиш ишлари изчил давом этаётгани, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш борасидаги амалий чора-тадбирлар аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар соҳада қабул қилинган муҳим дастур ва лойиҳаларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли амалга оширилиши ишчи-ходимларнинг фидокорона меҳнати, касбий маҳорати ва масъулияти самараси эканини алоҳида қайд этдилар. Бугунги кунда пойтахтдаги кўплаб хонадон эгалари томонидан коммунал хизматлар сифати яхшиланаётгани мам-

нуният билан эътироф этилиб, соҳа вакилларига чуқур миннатдорлик изҳор этилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда уй-жой коммунал хўжалиги тизимини модернизация қилиш, аҳолининг турмуш даражаси ва яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган ислохотлар сўнгги йилларда изчил ва тизимли равишда амалга оширилмоқда. Бу жараёнлар натижа-сида соҳада нафақат инфратузилма янгиланмоқда, балки хизмат кўрсатиш сифати, бошқарув самарадорлиги ҳамда қамров даражаси бўйича ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда.



Коммунал соҳанинг фидойи ходимларига байрам муборак бўлсин!

Озода Жўраева,
Ўзбекистон Республикаси
курулиш ва уй-жой
коммунал хўжалиги
вазирини ўринбосари.



Мамлакатимизда уй-жой коммунал хўжалиги тизimini модернизация қилиш, аҳолининг турмуш даражаси ва яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган ислохотлар сўнгги йилларда изчил ва тизимли равишда амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнлар натижасида соҳада нафақат инфратузилма янгиланмоқда, балки хизмат кўрсатиш сифати, бошқарув самарадорлиги ва қамров даражасида ҳам ижобий кўрсаткичларга эришилмоқда.

бўлиб, 2025 йил апрель ҳолатига нисбатан қисқарганда, 2026 йилда қўшимча равишда 581 та уй ва 292 та ижтимоий объект ушбу тизим билан қамраб олингани қайд этилмоқда.

Бугунги кунда тизим инфратузилмаси 525 та қозонхона ва 3 710 километр иссиқлик тармоқларини ўз ичига олган ҳолда фаолият юритмоқда. 2025 йилнинг ўзига 63 та янги қозон ўрнатилиб, 144,4 километр тармоқ тортилиши, 93,3 километр тармоқ мукамал таъмирланиши натижасида тизимнинг ишончилиги сезиларли даражада ошган. Шу билан бирга, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш ҳисобига 13,8 миллион куб метр табиий газ ва 15,2 миллион киловатт-соат электр энергияси иқтисод қилингани соҳада ресурслардан самарали фойдаланишга ўтилганини кўрсатади.

Булардан ташқари, ичимлик суви ва оқова сув тизимларини ривожлантириш борасида ҳам амалга оширилган ишлар аҳолининг ҳаёт сифатига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда 42 минг километрдан ортиқ ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳамда 3,4 мингта иншоотлар қурилиб, реконструкция қилинди. Натижада аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 63 фоиздан қарийб 83 фоизга етказилди.

2026 йил якунига қадар ушбу кўрсаткични 85 фоизга етказиш режалаштирилган бўлса, жорий ҳолатда бу кўрсаткич 82,8 фоизни ташкил этмоқда. Шу билан бирга, оқова сув хизматлари билан қамров даражаси 21,8 фоизни ташкил этиб, ушбу йўналишда ҳам инфратузилмани кенгайтириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, жорий йилда 883,8 километр тармоқлар ва ўнлаб иншоотлар қурилиши учун 1,188 триллион сўм маблағ ажратилгани соҳада инвестиция фаолиги юқори эканини кўрсатади.

Соҳада рақамлаштириш жараёнлари ҳам мутлақо янги bosқичга кўтарилди. Бугунги кунда "Менинг уйим" биллинг тизими орқали қарийб 42 минг кўп қаватли уй ва 1,5 миллион абонент қамраб олинган бўлса, "Хавфсиз лифт" платформаси орқали 17 мингта яқин лифт ускуналари доимий назоратга олинган. Шунингдек, "Турар жой" миллий ахборот тизими орқали уйларнинг техник ҳолати, таъмир талаб даражаси ва муҳандислик коммуникациялари ҳақидаги маълумотлар ягона базага жамланиб, қарор қабул қилиш жараёнлари анча шаффоқлашган.



uzbunyodkor.uz
info@uzbunyodkor.uz
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkor
qurilish.today



Коммунал соҳанинг фидойи ходимларига байрам муборак бўлсин!

➔ 1

Шу билан бирга, кўп квартиралли уй-жой фондини ривожлантириш доирасида қўшимча инфратузилма яратиш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан, 703 та уйда ички иссиқлик тизимлари тикланиб, бу орқали 30 минг хонадон ёки 105 минг нафар аҳолининг яшаш шaroити яхшиланиши кутилмоқда. Бир вақтнинг ўзида 830 та чиқинди майдончаси, 878 та болалар майдончаси ва 258 та умумий ҳожатхоналар қурилиши режалаштирилгани шаҳар ва ҳудудларда яшаш муҳитини комплекс тарзда яхшилашга қаратилган ёндашув шаклланиши кўрсатади.

Юқорида келтирилган рақамлар ва таҳлиллар шунинг асосида, коммунал соҳа сўнгги йилларда нафақат микродарожадан, балки сифат жиҳатидан ҳам янги bosқичга кўтарилмоқда. Қамровнинг ошгиши, хизматлар сифатининг ошishi, инфратузилманинг модернизация қилиниши ва рақамлаштириш жараёнларининг жорий этилиши натижасида аҳоли учун янада қулай ва барқарор яшаш муҳити яратилмоқда.

18 апрель – Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кўни муносабати билан таъкидлаш жоизки, мазкур натижалар ортида минглаб фидойи ва малакали мутахассисларнинг машаққатли меҳнати мумкин. Уларнинг касбий маҳорати, масъулияти ва ўз ишига садоқати соҳани янада ривожлантиришда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Шубҳасиз, амалга оширилаётган ислохотлар изчил давом эттирилиб, келгусида коммунал хизматлар тизими янада замонавий, самарали ва аҳоли манфаатларига йўналтирилган тарзда такомиллаштириб борилади.

Юртимизда фаолият олиб бораётган коммунал соҳанинг фидойи ходимларига байрам муборак бўлсин! Халқимиз фаровонлиги, хотиржамлиги ва қувончи йўлида амалга ошираётган меҳнатларингиз роҳатини кўриб юринг!



Шарафли касб соҳиблари тақдирланди

➔ 1

Тадбир давомида соҳада узок йиллар самарали меҳнат қилиб, унинг тараққийига муносиб ҳисса қўшган бир гуруҳ ходимлар муносиб тақдирланди. Жумладан, фидойи ва тажрибали мутахассисларга "Уй-жой хизмат кўрсатиш алоҳисси" кўкрак нишони ҳамда эсдалик совғалари, шунингдек, кўп қаватли уй-жойларга хизмат

кўрсатиш, ҳудудлар ободонлигини таъминлаш ва аҳоли учун қулай яшаш шaroитларини яратишда фаолият кўрсатаётган намунали бошқарув сервис компанияларига хизмат самардорлигини ошириш, тезкорлик ва сифатни таъминлаш мақсадида замонавий техник воситалар – муқтарлар топширилди.

Юртимиз санъат усталарининг чиқишлари

тантанали байрам тадбирига янада кўтаринкилик бағишлади. Байрам доирасидаги ушбу эътироф ва рағбатлантиришлар коммунал соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини қадрлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда келгусида янада юқори натижаларга эришишга ундашга хизмат қилиши билан аҳамиятланди.

Ўз муҳбиримиз.

“Бухороэнергомарказ” АЖ – ишончли ва замонавий таъминот манбаи

Шаҳарнинг шиддатли ривож, қад ростлаётган янги массивлар ва аҳоли фаровонлиги ҳақида гап кетганда, кўпчиликнинг хаёлига аввало, муҳташам бинолар келади. Ана шу кўп қаватли уйларнинг файзига ҳамда минглаб оилаларнинг хотиржамлигига ҳисса қўшиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги, уйларнинг иссиқлигини таъминлаб келаётган ташкилотлар кўп.

Зулфизар МАВЛОНОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Хонадонлардаги кундалик қулайликлар ортида фидокорона меҳнат қилаётган йирик объектлардан бири – "Бухороэнергомарказ" акциядорлик жамиятидир. 1973 йилда илк бор ишга туширилган, ярим асрлик тарихга эга корхона қайта таъмирланиб, бутунлай бошқа қиёфа ва тизимда иш олиб бормоқда. 7,8 гектар

майдонни эгаллаган ушбу улкан марказ Бухоро шаҳридаги иссиқлик таъминотининг ишончли қафолатидир. Шунингдек, жамият мамлакатимиздаги энергия самардорлиги бўйича энг илгор лойиҳалардан бирига айланб улгурган. Ҳозирда жами 78 нафар малакали ходим шаҳар аҳлининг хонадонларига файз ва илиқлик улашиш учун тер тўқмоқда.

Корхонанинг бүгунги қуввати ва техник ҳолати ҳар қандай кузатувида қатта таассурот қолдиради. Ўрнатилган умумий қувват соатига 245 Гкал иссиқлик энергиясини сарфлайди. Тизимдаги магистрал ва тарқатувчи тармоқларнинг умумий узунлиги икки қувурли ҳисобда 48,8 километрни ташкил этади.

– Аҳолига иссиқлик етказиш билан бирга уни энг замонавий ва тежамкор усуллар билан амалга ошириш асосий мақсадларимиздан бири, – деди корхона раҳбари Анвар Караев биз билан суҳбатда. – Энг муҳими, ушбу тизимлар бүгунги кунда тўлиқ сўз ҳолатда бўлиб, доимий назоратга олинган. – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 апрелдаги 306-сонли (2023 йил 22 декабрдаги 677/16-сонли Қарор билан тахрирланган) Қарори билан Жаҳон банки иштирокида амалга оширилаётган 25,62 миллион АКШ доллари қийматидаги лойиҳа корхона тарихида янги саҳифа очди. Бу маблағлар ишлаб чиқаришни модернизациялаш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва атмосферага чиқариладиган зарарли газларни 30 фоизгача камайтиришга хизмат қилмоқда.

Модернизация жараёнларини бевосита қозонхона ичида кузатар эканмиз, улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдик. 2022 йилнинг май ойида амалга оширилган мукамал таъ-



мирлаш ишлари доирасида ГМ-50/14 русумли 8-сонли буғ қозонининг ҳаво иситиш қисми янгиланган. Бундан ташқари, 3- ва 9-сонли қозонларнинг экономайзер қисмлари ҳам қисман таъмирланган. Қозонхона бошлиғи Жамшид Содиқовнинг сўзларига кўра, Россиянинг "Vapor" ва Ўзбекистоннинг "Spets Polymer Montaj Sanatsiya" корхоналари томонидан амалга оширилган модернизация ишлари натижасида ҳар бири 20 МВт қувватга эга 5 та янги сув иситиш қозонлари ўрнатилган.

– Бугунги кунда қозон агрегатларининг фойдали иш коэффициентини ўртача 94 фоизни ташкил этмоқда, – дея қўшимча қилди Қозонхона бошлиғи Жамшид Содиқов. – Бу эса, иссиқлик йўқотилишини минимал даражага туширишга ёрдам бермоқда. Техник уснуналardan ташқари бинонинг ўзи ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарган. Бунда деворлар сэндивич панеллар билан қопланган, полларга металлоранит плиткалар ётқизирилиб, атроф тўлиқ ободонлаштирилган.

Тизимнинг яна бир энг муҳим ютуғи – ис-тезмолчиларнинг бевосита яшаш жойида ўрнатилган Индивидуал иссиқлик пунктлари (ИИП) ишга туширилгани бўлди. Латвия ва Қозогистон компаниялари билан ҳамкорликда қиймати 4,98 миллион долларлик 264 та ИИП тўлиқ ўрнатилган. Шундан, 53 таси ижтимоий соҳа

объектларида, 224 таси эса кўп қаватли уйларнинг ертўллари ва туташ ҳудудларидаги маҳсулус контейнерларда жойлашган. Пунктлар "Янги Ўзбекистон" ва "Bukhara City" массивлари каби янги лойиҳаларга хизмат кўрсатиш имкониятини кейгайтирди. Ҳозирда корхона 202 та кўп қаватли уйдаги 11 036 та хонадонга, яъни қарийб 26 минг нафар аҳолига иссиқлик етказмоқда. Бундан ташқари, 6 та мактаб, 12 та боғча, 4 та коллеж ва лицей, 4 та соғлиқни сақлаш муассасаси ҳамда 65 та юридик ва бюджет ташкилотлари марказнинг доимий мижозлари ҳисобланади.

Марказнинг қозонхона қисмидаги иш жараёнини кузатиш давомида пайдо бўлган барча саволларга смена бошлиғи Жасур Музаффаровдан батафсил жавоб олдик.

– Агар 2025 йил январь ойини 2026 йилнинг шу даври билан солиштирсак, энергия ресурсларини тежашдаги кескин фарқни кўраемиз. Масалан, утган йили январь ойида 38 417 Гкал иссиқлик ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил 28 471 Гкал билан аҳоли эҳтиёжи тўлиқ қопланди. Шу орқали 25,89 фоиз энергия иқтисод қилинди. Табиий газ истеъмоли эса қарийб 35 фоизга, электр энергияси сарфи 28 фоиздан кўпроққа камайди. Бу кўрсаткичлар замонавий насос ҳўжалиги, сувни юмшатиш технологиялари ҳамда ўрнатилган ёрдамчи уснуналарнинг самарасидир.

Инфратузилмани ривожлантириш ишлари фақат қозонхона ичи билан чекланиб қолмаган. Хитойнинг "China IPPR International Engineering" компанияси томонидан 5,5 километр узунликдаги тармоқлар реконструкция қилиниб, 11 километр янги қувурлар ётқизилган. Шу билан бирга, корхонанинг техник базаси ҳам янгиланган. Унга кўра, 0,6 миллион доллар эвазига авария хизмати машиналари, экскаваторлар, автокран ва ҳатто ер остидаги иссиқлик йўқотилишини аниқловчи махсус уснуналар харид қилинган. Электр таъминотининг барқарорлигини таъминлаш учун "Стрелков" подстанциясигача бўлган масофада янги трансформаторлар ва юқори қувватли кабелилар монтаж қилинган. Ҳаттоки, келажакдаги эҳтиёжлар учун 2 та 200 куб метрли захира ёқилги омбори ҳам шай ҳолатга келтириб қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, "Бухороэнергомарказ" АЖ бугун ҳам иссиқлик манбаи, ҳам инновациялар ва тежамкорлик намунасига айланган. Кўп қаватли уйлар олдидаги ободонлаштириш ишлари, ички иситиш тизимларидаги камчиликларнинг bosқичма-bosқич бартараф этилиши ва масофавий назорат тизимининг жорий қилиниши Бухоро шаҳри аҳли учун сифатли ва узлуксиз сервисни тақдим этади.



“Энг катта ютуғимиз – аҳолининг ишончи бўлди”



Абдужаббор АЛИКУЛОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Жамият тараққиётида ҳар бир соҳа ўз ўрнига эга. Айниқса, қурилиш ва коммунал хизматлар тизими аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу соҳада фаолият юритаётган инсонларнинг меҳнати кўп ҳолларда кўзга ташланмасада, унинг самараси ҳар бир хонадон, ҳар бир кўча ва ҳар бир маҳаллада намоён бўлади. Ана шундай фидойи инсонлардан бири – Баҳром Ҳақимовдир.



Баҳром Ҳақимовнинг меҳнат фаолияти турли соҳаларда шаклланиши унинг шахс сифатида камол топишида муҳим ўрин тутди. У дастлаб маълум муддат ҳарбий хизматда иш олиб бориб, интизом, масъулият ва қатъият каби муҳим ҳаётий фазилатларни ўзлаштирди. Бу сифатлар кейинчалик унинг фаолиятида мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтади. 2011 йилдан бошлаб эса у қурилиш ва коммунал соҳага оддий ишчи сифатида кириб келди. Илк қараганда, бу оддий танловдек туюлиши мумкин, аммо айнан шу қарор унинг ҳаётида ҳал қилувчи бурилиш нуқтасига айланди. Чунки у шу соҳада ўзини топди, амалиёт орқали тажриба ортирди ва меҳнати орқали босқичма-босқич юқори лавозимларга чаққирилди.

2022 йилнинг март ойида Баҳром Ҳақимов томонидан “Quruvchi Jahongir” бошқарув сервис компаниясининг ташкил этилиши унинг кўп йиллик меҳнати ва тўплаган тажрибасининг мантикий давоми бўлди. Бу ташаббус нафақат шахсий тадбиркорлик, балки ҳудудда коммунал хизматлар сифатини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим қадам сифатида ҳам аҳамият касб этади.

Маълумки, ҳар қандай муваффақият ортида заҳматли меҳнат, сабр-тоқат ва ўз ишига садоқат ётади. Баҳром ака ҳам ўз фаолиятини катта имкониятлар ёки тайёр шароитлар билан эмас, балки анча чекланган имкониятлар доирасида бошлаган. Бу эса, албатта, катта синов эди. Бироқ у қийинчиликлар олдида чекинмади, аксинча, янада қатъийлик билан ҳаракат қилди. Вақт ўтиши билан тизимли иш, изчил ҳаракат ва энг муҳими, аҳоли ишончи орқали барча муаммолар босқичма-босқич ҳал этилди. Шу тариха кичик жамоа катта ва барқарор фаолият юритувчи тузилмага айланди.

Бугунги кунда мазкур компания Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги “Галаба” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда самарали фаолият юритиб келмоқда. Қисқа вақт ичида компания ўзини ишончли ва масъулиятли хизмат кўрсатувчи ташкилот сифатида намоён этишга муваффақ бўлди. Ҳозирда унинг таркибиде 21 нафар ходим меҳнат қилиб, уларнинг ҳар бири ўз йўналиши бўйича аҳолига сифатли хизмат кўрсатишга ҳисса қўшмоқда.

“Quruvchi Jahongir” бошқарув сервис компанияси ҳудуддаги 159 та кўп қаватли уйда жойлашган 2141 та хонадонга хизмат кўрсатади. Фаолият кўламининг кенглиги жамоадан катта меҳнат билан бир қаторда катта масъулиятни ҳам талаб қилади. Ҳар бир хонадонда қулай ва хавфсиз яшаш муҳитини таъминлаш, коммунал тизимларни барқарор ишлашини назорат қилиш каби вазифаларни самарали амалга ошириш эса жамоанинг бирдамлиги ва раҳбарнинг тўғри бошқаруви самарасидир.

– Ишни атиги икки нафар ходим билан бошлаганман, – деди компания раҳбари Баҳром Ҳақимов. – Айрим пайтларда ҳатто шу икки нафар ходимга ҳам маош тўлаш имконияти бўлмаган. Лекин сабр-тоқат ва тинимсиз меҳнат туфайли барчаси аста-секин ўз изига тушди. Энг катта ютуғимиз эса – аҳолининг ишончи бўлди. Ана шу ишонч бизга куч берди, олдинга интилишга ундади. Бугунги кунга келиб, корхонамиз йирик бошқарув компанияларидан бирига айланди. Ҳозирда жамоада 21 нафар ходим фаолият юритмоқда. Аҳолининг хизматларимиздан мамнун бўлиши бизни икки қарра бахтли қилади.

Бу рақамлар ортида нафақат статистика, балки катта масъулият, изчил ва тизимли меҳнат, шунингдек аҳоли билан ўрнатилган мустаҳкам ва ишончли алоқа мужассам. Коммунал хизмат соҳаси табиатан инсонлар ҳаёти билан бевосита боғлиқ тизим ҳисобланади. Шу бос, бу йўналишда ҳар бир қарор, ҳар бир амал аҳоли турмуш сифатига таъсир кўрсатади. Зеро, бу соҳада ишонч энг катта капиталдир. Аҳолининг розилиги, уларнинг хизматдан қониқishi эса ҳар қандай корхона фаолиятининг энг муҳим ва ҳал қилувчи мезони бўлиб хизмат қилади. Мазкур компания фаолиятида ҳам айнан шу тамойил устувор аҳамият касб этаётгани эътиборга молик.

Компаниянинг яна бир муҳим жиҳати – унинг моддий-техник базасининг мустаҳкамлиги ва замон талабларига жавоб беришидир. Зарур асбоб-ускуналар, махсус техника ва транспорт воситалари билан таъминлангани хизмат кўрсатиш жараёнини тезкор ва самарали ташкил этиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, компания фақат асосий коммунал хизматлар билан чекланиб қолмасдан, аҳолига янада кенг қамровли қулайлик яратиш

мақсадида қўшимча хизмат турларини ҳам йўлга қўйган. Бу эса, ташкилотнинг замонавий ёндашув асосида иш юритиб, аҳоли эҳтиёжларини чуқур ўрганиб, уларга комплекс ечимлар таклиф этаётганидан далолат.

Хусусан, компания таркибиде аёллардан иборат ихчам жамоанинг шакллантирилгани ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Улар нафақат хизмат кўрсатиш, балки инсонийлик ва меҳр-оқибат тамойилларини амалда намоён этиш билан ҳам шугулланмоқда. Боқувчисини йўқотган, ёлғиз қолган қариялар ҳолидан мунтазам хабар олиш, уларнинг кундалик юмушларида елкадош бўлиш, турмушини енгилаштиришга ҳисса қўшиш каби ишлар бу жамоанинг асосий вазифасига айланган. Бу эса, компания фаолиятининг фақат иқтисодий манфаат билан чекланиб қолмасдан, юксак ижтимоий масъулият ва инсонпарварлик ғоялари асосида йўлга қўйилганини яққол намоён этади.

Бундан ташқари, компания томонидан аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, турли қўшимча хизмат турлари ҳам ташкил этилган. Жумладан, пайвандлаш, мебель таъмирлаш, уй тозалаш, пойабзал таъмирлаш, гилам ювиш ва Раунет хизматлари ҳудуд аҳолисига қулайлик яратмоқда. Бу каби хизматларнинг бир жойда жамлангани аҳолининг ортиқча оврагарчиликларини камайтириб, вақт ва маблағни тежаш имконини бермоқда.

Компания келгусида ўз фаолиятини янада кенгайтиришни мақсад қилган. Айни пайтда

ўз маблағлари ҳисобидан замонавий, кенг ва барча талабларга жавоб берадиган офис биноси қурилмоқда. Бу эса, иш жараёнларини янада самарали ташкил этиш, ходимлар учун муносиб меҳнат шароитларини яратишга хизмат қилади. Шу билан бирга, аҳолига узлуксиз хизмат кўрсатиш мақсадида 24 соат фаолият юритувчи новвойихона ҳамда қурилиш моллари дуконини ташкил этиш режалари ҳам илгари сурилган. Бундай ташаббуслар, шубҳасиз, ҳудуд аҳолиси учун янада қулай ва фаровон турмуш шароитларини яратишга хизмат қилади.

Албатта, ҳар қандай ютуқ ва муваффақият ортида, аввало, жамоанинг бирдам меҳнати, ўзаро ҳамжихатлиги ва масъулиятли ёндашуви туради. Ҳар бир тизимнинг барқарор ишлаши уни ташкил этувчи инсонларнинг фидойилиги ва ўз ишига бўлган садоқатига бевосита боғлиқ. Шу маънода, мазкур компания жамоаси ҳам ўзининг меҳнатсеварлиги ва интизоми билан алоҳида эътиборга лойиқ.

Компанияда фаолият юритаётган фаррошлар Гулнора Муҳаммадиева ва Дилфуза Умарова, кир ювувчи Дилноза Умарова, омбор мудир Шерали Исоқулов, хайдовчи Холмуҳсин Сириев ҳамда бошқа ходимлар ўз вазифаларини виждонан адо этиб, умумий натижага муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Улар ҳар куни ўз меҳнати орқали нафақат иш жараёнини таъминламоқда, балки аҳолига қулай ва озода муҳит яратишга ҳам хизмат қилмоқда.

Айнан шундай жонқуяр ва масъулиятли хо-

димлар туфайли компания ўз олдида қўйган мақсадларига бирин-кетин эришиб бормоқда. Жамоадаги ўзаро ҳурмат, ишонч ва ҳамкорлик муҳити эса фаолият самарадорлигини янада ошириб, янги режалар сари ундамоқда.

Хулоса ўрнида таъкиллаш жоизки, Баҳром Ҳақимовнинг ҳаёт йўли бу оддий ишчидан юксак натижаларга эришган муваффақиятли раҳбаргача бўлган ибратли ва мазмунли йўлдир. У босиб ўтган йўлдаги ҳар бир босқич меҳнат, сабр-тоқат ва қатъият билан йўрилган бўлиб, бу жиҳатлар унинг бугунги ютуқларида ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилган.

Унинг фаолияти мисолида инсон ўз олдида аниқ мақсад қўйиб, унга садоқат билан интилса, ҳатто энг қийин шароитларда ҳам катта натижаларга эришиши мумкинлиги яққол намоён бўлади. Энг муҳими, у фақат шахсий муваффақият билан чекланиб қолмасдан, жамият учун манфаатли бўлган тизимни шакллантиришга, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш орқали уларнинг ишончини қозонишга эришди.

Бундай ташаббускор, фидойи ва масъулиятли инсонлар жамият тараққиётининг ҳақиқий ҳаракатланувчи кучидир. Улар нафақат ўз соҳасида ютуқларга эришади, балки бошқаларга ҳам илҳом бағишлаб, янги ғоя ва ташаббусларнинг юзага келишида муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатдан, Баҳром Ҳақимов каби инсонларнинг фаолияти ва ҳаётий тажрибаси кенг омма учун ўрнак ва ибрат манбаи бўлиб хизмат қилади.



МЕХНАТ – УНИНГ ИМЗОСИ

Адхам ЭГАМБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Жамият ҳаётида айрим инсонлар бўлади: улар эгаллаб турган лавозими билан эмас, виждонан ишлаши, одамлар билан муомаласининг илиқлиги ва зиммасига катта масъулият олиши билан ажралиб туради. Чарос Қамчиева ҳам ана шундай инсонлардан.

Унинг ҳаёт йўлига назар ташлаганда, олди-мизда оддий меҳнат фаолияти эмас, сабр, фидойилик, қатъият ва одамлар ташвишини ўз ташвишидек қабул қила олган улкан қалб эгасининг қиёфаси гавдаланади. Бу қиёфа йиллар давомида шаклланган, синовлар ичида товланган, меҳнат билан юксалган ва энг муҳими, инсонийликка йўғрилган ҳаёт йўли, демакдир.

Чарос Қамчиева коммунал соҳада узоқ йиллардан бунён ишлаб келмоқда. У 1999-2001 йилларда Фарғона шаҳар 2-ХХК уй-жойларга хизмат кўрсатиш корхонасида ҳисобчи сифатида иш бошлаган. Дастлаб рақамлар, ҳужжатлар, ҳисоб-китоблар билан ишлаган бўлса, бу кейинчалик катта бошқарувга кириб келиш учун мустахкам пойдевор бўлди. Сўнгра, 2001-2007 йилларда Фарғона шаҳридаги "Равшан" ва "Фарғона сеҳрли чашма" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига раҳбарлик қилди. Кейинроқ, "Фарғона Махлиё коммунал плюс" ширкатини бошқарди. "2019–2022 йилларда "Ягона ҳисоб-китоб маркази" давлат унитар корхонасининг Фарғона шаҳар филиалига раҳбарлик қилган. Кейинчалик "Safort Consensus Kommunal" МЧЖ раҳбарига айланади.

2024 йилдан эса бир вақтнинг ўзига "Safort Consensus Kommunal" МЧЖда беш муҳандис ҳамда Фарғона шаҳридаги "Eco City Servise" МЧЖ бошқарув сервис компанияси раҳбари сифатида иш олиб бормоқда.

Бу йўлнинг ўзидек бир нарсани кўрсатади. У меҳнатнинг қуйи поғонасидан бошқарувнинг марказигача ўз кучи, тажрибаси ва ишончи билан етиб келган инсондир.

Чарос Қамчиева ҳақида гап кетганда, уни энг кучли қиладиган жиҳат – йиллар давомида танлаган касбига содиқ қолганидир. У қарийб 27 йилдан бери меҳнат таътилсиз, дам олиш кунларисиз ишлаётгани билан ажралиб туради. Бу оддий гап эмас. Бунинг ортида тонг сахардан бошланган ташвиш, кутилмаган авария, фуқаролар мурожаати, жамоа муаммоси, кўп қаватли уйлардаги юзлаб майда-йирик масалалар, масъулият ва тинимсиз ҳаракат туради.

Коммунал соҳа ташқаридан қараганда қуруқ хўжалик ишидай кўриниши мумкин. Аслида эса, бу соҳа сабрни ҳам, тезкорликни ҳам, мулоҳазани ҳам, қатъийликни ҳам бирдек талаб қиладиган мураккаб йўналишидир. Чарос Қамчиева ана шу мураккаб тизимнинг ичида йиллар давомида чарчамасдан ишлаган, соҳани ичидан билган, одамлар дардини тинглаган, хизматнинг қадрини жойига қўя олган раҳбар сифатида шаклланди.

Унинг шахсиятини янада юксакроқ кўрсатадиган жиҳат эса, ҳаёт синовлари қаршисида буюқмай яшай олганидир. 3 фарзанднинг иккисидан айрилган онанинг дардини сўз билан ифода қилиш мумкин. Бундай мусибат кўпчилики синдириб қўйиши мумкин. Аммо Чарос Қамчиева оғир синовлардан ўтиб, ҳаёт олдига тақлим бўлмади. У дарднинг ичига ютиб, сабрни амалий фазилатга айлантира олди. Колаверса, беш на-

фар фарзандни асраб олиб, уларни уйли-жойли қилгани унинг қалбига меҳр нақадар катта ўрин эгаллаганини кўрсатади.

Эзгуликни шунчаки гап билан эмас, амалда давом эттириш ҳаммининг ҳам қўлидан келмайди. У шундай инсонки, ҳаётдан олган зарбани бошқаларга меҳр сифатида улаша олди. Ана шу фазилат уни фақат меҳнаткаш раҳбар эмас, балки мадонатли ва мурувватли аёл сифатида ҳам кўрсатади.

У бажарган ҳар бир вазифада самимият, талабчанлик ва натижага интилиш сезилиб туради. Шунинг учун ҳам унинг меҳнати нафақат соҳада, балки вилоят миқёсида ҳам танилган. Коммунал хизмат тизимида эътибор кўпроқ муаммо чиққан пайтда сезилади. Иш ўз вақтида, сифатли ва тартибли ташкил этилса, бу оддий ҳолдек кўринади. Аммо айнан ана шу "оддий ҳол" ортида қўндалик фидойилик, оғир бошқарув ва юзлаб қарорлар туради.

Ч. Қамчиеванинг меҳнат йўли таълим билан бойиб борганини ҳам алоҳида айтиш лозим. У иқтисодиёт йўналишида олий маълумот олган, айна пайтда коммунал инфратузилмани ташкил этиш ва бошқариш йўналишида ўқиш-ни давом эттириётгани унинг доимий ўсишга интилишини кўрсатади. Тажриба билан ўқиш, амалиёт билан назария, қўндалик синов билан замонавий билим уйғунлашгандагина бошқарув янада пухта бўлади.

У айнан шу тамойил асосида ишлайди. Соҳа ичида йиллар давомида тўпланган кўникма ва янги билимларнинг қўшилиши унга қарор қабул қилишда кенгроқ қараш беради. Бу эса, жамоа ишини йўлга қўйишда ҳам, хизмат сифатини оширишда ҳам, аҳолининг ишончини мустаҳкамлашда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Унинг меҳнатига берилган юксак эътирофлар ҳам бежиз эмас. "Шўхрат" медали билан тақдирлангани – бу фақат бир мукофот эмас, балки узоқ йиллар давомида сидқидилдан қилинган хизматнинг давлат миқёсида тан олинганидир. Аммо айрим инсонлар бўлади: улар мукофотни мақсад қилиб ишламайди, аксинча, ўз ишини виждонан бажаргани учун эътироф уларга ўзи келади. Чарос Қамчиева ҳам шундай. Унинг ҳаётида меҳнат бир марталик шижоат эмас, давомли интизомдир. Бу интизом уни бошқалардан ажратиб туради. Йиллар давомида бир соҳада ушланиб қолиш эмас, балки уша соҳада иш қолдириш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.



Оқилона бошқарув самараси

Чарос Қамчиеванинг бошқарув тажрибаси фақат "Eco City Servise" МЧЖ доираси билан чекланмайди. Аслида, унинг "Safort Consensus Kommunal" БСКда эришган муваффақиятли натижалари кейинги ишончга асос бўлди. У аввало, "Safort Consensus Kommunal"да хизмат сифати, жамоа интизому, аҳоли билан ишлаш маданияти ва тезкор бошқарув тизимини йўлга қўйди. Ана шу амалий натижалар сабаб мутасаддилар "Eco City Servise" МЧЖда ҳам шундай тизимни қуриш масъулиятини қаҳрамонимизга ишониб топширишди.

Бугун у "Eco City Servise" МЧЖда раҳбар сифатида фаолият юритар экан, "Safort Consensus Kommunal" БСК фаолиятини ҳам билвосита бошқариб, икки тузилма ишида ягона бошқарув философиясини шакллантириб келмоқда. Ушбу икки БСКда жами 124 та кўп қаватли уйга бир хил ёндашув, бир хил талаб ва бир хил масъулият мезони асосида хизмат кўрсатишмоқда.

"Safort Consensus Kommunal" бошқарув сервис компанияси фаолиятига назар ташлаган киши бу ерда оддий хўжалик юритишдан кўра кенгроқ масъулият, аниқ тизим ва одамлар ҳаётига дахлдор меҳнат борлигини кўради. 2021 йилда ташкил этилган компания қисқа вақт ичида 45 та кўп квартиралли уй ва 2049 та хонадонга хизмат кўрсатадиган йирик тузилмага айланди. Бу рақамлар ортида эса ҳар кунги тонг сахардан ишга киришадиган, кечаси ҳам фавқулодда чақирувга тайёр турадиган 22 нафар ходимнинг меҳнати турибди.

Компаниянинг афзал жиҳатларидан бири хизматни фақат таъмирлаш ёки тозалаш билан чеклаб қўймаслигида. Бу ерда уй-жой фондиди сақлаш, муҳандислик тармоқларини назорат қилиш, ҳудуд озодлиги, аҳолининг мурожаатлари билан ишлаш, қўшимча сервис хизматларини йўлга қўйиш – ягона тизим сифатида қаралади. Сантехник, электрик, пайвандчи, фаррош, муҳандис, оператор, иш юритувчи, назоратчи ва бошқа ходимлар бир мақсад атрофида бирлашган: одамлар яшаётган уй тартибли, хавфсиз ва қулай бўлиши керак.

Моддий-техник база ҳам компания ишининг муҳим таянчидир. 2 та "Labo", 1 та "Damas", 2 та электромотороллер, 4 та скутер ва мотороллер ходимларнинг чақирувларга тез етиб бориши, ҳудудлар бўйлаб мунтазам назорат олиб



бориши, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш ишларини кечиктирмай бажаришига имкон яратди. Бошқарув сервис соҳасида вақтнинг қадри баланд: бир носоз қувур, бир ўчган чирок, бир эътиборсиз қолдирилган мурожаат эртага катта муаммога айланиши мумкин. Шу боис, тезкорлик бу компания учун иш услуби, аҳолига хурмат белгиси саналади.

"Safort Consensus Kommunal"нинг яна бир эътиборли жиҳати – қўшимча хизматлар йўлга қўйилганидир. Аҳолига маиший ва таъмирлаш хизматлари, сантехника, электр монтаж, ички таъмирлаш, тозалаш, дезинфекция, видеокузатув, домофон, интернет ва TV тармоқларига оид хизматлар таклиф этилиши уй эгаларининг кўп муаммоларини бир жойининг ўзига ҳал қилиш имконини беради. Чевархона ва эко дўконлар каби ташаббуслар эса компания фаолиятига ижтимоий-маиший қулайлик руҳини олиб киради.

Бундай хизмат тури, аввало, одамлар билан ишлаш маданиятини талаб этади. Ҳар бир хонадоннинг ўз талаби, ўз эҳтиёжи, ўз қарашини бор. Кимдир йўлак тозаловчи жиддий қарайди, кимдир сув босими ёки электр тармоғи барқарорлигини биринчи ўринга қўяди. Бошқарув сервис компанияси ана шу турли талабларни тинглай олиши, тартибга солиши, муаммо илди-зига етиб бориши билан хурмат қозонади.

Компания ходимларига муносабат ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Бу ерда жамоа фақат ишчи кучи сифатида кўрилмайди. Ходимнинг кайфияти, касбий малакаси, муомала маданияти хизмат сифатида бевосита таъсир қилади. Шу сабаб жамоада ўзаро хурмат, рағбатлантириш, байрамларда эътибор кўрсатиш, бир дастурхон

атрофида жам бўлиш каби анъаналар шаклланган. Бундай муҳит одамни ишга боғлайди, касбига меҳр уйғотади, масъулиятни кучайтиради.

Аҳоли компанияни энг аввало, тезкорлиги, очиклиги, ходимларининг муомаласи ва ҳудуддаги тартиб учун қадрлайди. Мурожаатга бефарқ бўлмастик, бажарилган иш ортидан қайта назорат қилиш, харажатлар ва режалар борасида тушунарли ҳисобдорликни йўлга қўйиш ишончли мустаҳкамлайди. Ишонч эса бу соҳада энг катта бойликдир. Чунки аҳоли "уйим ишончли қўлда" деган хотиржамликни ҳис қилса, компания билан ҳамкорлик ҳам, тўлов интизому ҳам, умумий масъулият ҳам кучаяди. Отуқлар ҳақида гап кетганда, уларни фақат қуруқ рақамлар билан ўлчаб бўлмайди. Ҳақиқий ютуқ-одамларнинг яшаш муҳити яхшилангани, ҳудудда озодлик барқарорлашгани, мунозиларга муносабат тезлашгани, аҳолининг мурожаати эътиборсиз қолмаётганидир.

Келажак режаларида эса компаниянинг янада замонавийлашиш нияти кўзга ташланади. Рақамли бошқарув, telegram-bot орқали аризаларни қабул қилиш, энергиятежамкор ёритиш, қўёш панеллари, томчилатиб сугоритиш, хавфсизлик тизимлари, ходимлар малакасини ошириш маркази, қўшимча сервисларни кенгайтириш бошқарув сервис соҳасини янги босқичга олиб чиқадиغان ташаббуслардир. Мақсад аниқ: кўп қаватли уй фақат яшаш жойи бўлиб қолмасин, балки тартибли, хавфсиз, қулай ва замонавий ҳаёт маконига айлانسин. Биз эса қаҳрамонимизга келгуси ишларида муваффақият тилаймиз.



“СИФАТ – БИЗНИНГ ШИОРИМИЗ”

Самарқанд вилояти уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳаси ходимлари ҳаётдан лавҳалар

Ҳамза ШУКУРОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

– Бугунги кунда вилоятда 2825 га яқин кўп қаватли уй-жой мавжуд, – деди Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дадахон Бозоров. – Улардаги 100 000дан зиёд хонадон аҳолининг маиший шарт-шароитидан кўз-кўлоқ бўлиш, зарур хизматларни ўз вақтида кўрсатиш, атрофни тоза, озода сақлаш каби юмушларни бажариш осон эмас, албатта. Айни пайтда вилоятдаги 62 та БСК ва 8 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари аъзоларининг малакасини ошириш, моддий-техник базасини мустақамлашга жиддий аҳамият қаратиляпти. 2025 йилда бошқарув ташкилотларининг 7,9 миллиард сўмлик маблағлари ҳисобидан ҳудудлардаги 155 та кўп қаватли уй таъмирланган. Кўп қаватли уйларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш учун 2,9 миллиард сўм маблағ ажратилди. Уйларнинг лифт ускуналарини янгилаш бўйича махсус ишчи гуруҳ тузилди.

Бундан ташқари, Вазирад Маҳкамасининг 2025 йил 17 февралдаги қарорига асосан, 1 465 миллиард маблағ эвазига бир қатор лифт ускуналари янгисига алмаштирилди. 2026 йилда ҳам бу ишлар давом эттириляпти. Дастурга асосан, жорий йилда маҳаллий бюджетнинг 12,0 миллиард сўм маблағи ҳисобидан 201 та кўп қаватли уйни таъмирлаш режалаштирилган. Сервис хизмати сифатини ошириш бўйича ҳам қатор ютуқларга эришилди. Уй-жойларни таъмирлаш, баланд қаватли уйлардаги лифтларни янгисига алмаштириш иш сифатига ижобий таъсир кўрсатганлигини айтишим мумкин. Айни пайтда вилоятда бошқарув ташкилотларида жами 1226 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Уларнинг ихтиёрида 64 та автотранспорт, 58 та мототранспорт, 16 та махсус транспорт, 120 та аварияларни бартараф этиш жамланмаси, 152 та сантехника тўплами, 77 та электр жиҳозлар тўплами мавжуд.

Ҳаракатда баракат

Одамларга яхшилик қилиш, наф келтириш, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш халқимизнинг энг фазилатли одатларидан ҳисобланади. Бошқарув сервис компаниялари фаолияти бунинг ёрқин далили, дейиш мумкин. – Хукуматимиз томонидан кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолига кўрсатилаётган хизмат даражасини юқори босқичга кўтариш, етарли шароит яратиш беришга катта эътибор қаратганмиз, – деди шаҳардаги “Олтин аср” масъулияти чекланган жамият шаклидаги бошқарув сервис компанияси раҳбари ўринбосари Уткир Абдуқулов. – Тажрибали мутахассис, ўз касбининг фидойиси Хайринисо Шатанова ташаббуси билан бундан роппа-роса 20 йил муқаддам ташкил этилган жамоа фаолияти билан ҳар қанча фахрланасан, арзийди. Мухими, бу ҳудудда яшаётган каттаю кичик ходимларимиздан миннатдор эканлигини ҳар қадамда ҳис этамиз. Қолаверса, 100 га яқин ишчи-хизматчимиз ўз соҳасининг устаси, дейиш мумкин. Биргина 2025 йилда улар томонидан 48 та уйнинг йўлақлари таъмирланди. 97 та эшик алмаштирилиб, кодли қулф ўрнатилди. 5,500 метр куб том, 3 та уйи фазода мукамал таъмирланди. 5 та уйнинг канализация ва сув қувурлари янгиланди. Уйларнинг дезазалари акфа ромга алмаштирилиб, камералар ўрнатилгани, болалар майдончаларининг замонавий қиёфага келтирилгани таҳсинга сазовор. Бундай ишлар ҳар қандай кишининг ҳавасини уйғотади-да. Бинобарин, қаердаки тартиб-интизом бўлса, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашилса, ютуқлар ҳам ўз-ўзидан келиши тайин экан.

Ҳа, худди шундай. “Олтин аср”ликлар зукко таъсисчи опанинг доно маслаҳатларига ҳам асос солинган бўлиб, қатор юмушларни бажаришда бу ташкилотнинг 50 дан зиёд ходими жонбозлик кўрсатмоқда. Аҳолига хизмат қилувчилар 12 та ҳудудга бўлинган ва ҳар бирга бир нафардан уста бириктирилган. Уларнинг “Устоз-шогирд” аънасанга муносиб равишда иш юритаётган-

лигини мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир. Ҳудудларда чилангар, электрик, газчи, боғбон, фаррош сингари касб эгалари, кўплаб техник ходимлар меҳнат қилмоқда.

Намуна бўлаётган ташкилот

Самарқанддаги илгор бошқарув сервис компаниялари ҳақида сўз кетганда, барча бир овоздан “Биотехсервис” масъулияти чекланган жамият номини тилга олишга одатланиб қолган. Дарҳақиқат, шундай. Коммуналчилар 29-даҳа, Сартепа, “Б” микрорайон, Фарҳод ва Кимёгарлар қўғонларидаги 352 та кўп қаватли уйни бирлаштирган ҳолда, 16 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатиш йўлида тинимсиз изланмоқда. Зеро, одамлар ташвиши билан яшаш, худуднинг ободлиги ва кўркамлигини таъминлаш, тозаланини сақлаш, янада гузал қиёфа касб этишига эришиш уларнинг эзгу мақсадига айланган.

– Ободонлаштириш юмушлари самардорлигини янада ошириш барибарда кенг миқёсдаги режалар белгилангани ютуқларга қанот бағишламоқда, – деди компания бош муҳандиси Баҳоидир Жўракулов. – “Обод худуд” номини олишга интилиш бўйича тадбирларимиз ҳам яхши натижа берапти. “Одамлар учун шаҳар”, “Яшил шаҳар”, “Шаҳар-боғ” моделлари элементларини кўллаб, гулу гулзорларни кўпайтиришга жиддий ёндашяптимиз. Ходимлар орасталикни таъминлаш билан бирга, йўллар ва пиёдалар йўлакларини барпо этиш, уйлар орасига айвонлар қуриш, таъмирлаш, янги қуриб битказилган уй-жойлар атрофини кўккаламзорлаштиришга ҳам киришилган. Шаҳарсозлик нормалари талабидан келиб чиқиб, ландшафт меъморчилигида ҳам ўз кучимизни синовдан ўтказяптимиз. Хорижий давлатлардан иқлимга мос даракт, гул қўчати ва буталар олиб келиб экилмоқда.

Вилоят, шаҳар ҳокимликларининг тизимга бўлган бевосита эътибори ва кўмаги туфайли айни пайтда 20 дан зиёд техника ва махсус механизация воситалари кўп меҳнатини қамайтириш, одамлар иштини оптималлаштириш, юзага келатган табиий офат каби муаммоларга тезкорлик билан муносабат билдириш, шу билан бирга, жамоатчилик назоратини таъминлашга йўналтирилган инновацион ечимларни жорий этиш ижобий самара бўлаётди.

Айни пайтда коммуналчилар 44 хилдан зиёд хизматлар билан аҳоли жонига аро қияпти. Одамларнинг шароитидан келиб чиқиб, уларга ёрдам беришга ҳам алоҳида эътибор қаратяптилар. Масалан, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, ногирон кишичи бор оилаларнинг хонадонларини бепул таъмирлаш шулар жумласидан.

Ободлик кўнгиладан бошланади

Самарқанд шаҳрининг А микрорайони ҳудуди ўтган асрнинг 60-70 йилларида барпо этилган кўп қаватли уйлардан ташкил топиб, кўркам ва ободлиги билан ҳамон кўнча кентнинг энг жозибадор, сеvimли масканларидан бири сифатида эътироф этиб келинади. Бунинг муҳим сабабларидан бири – бу ердаги барча бинолар деярли бир хил 4 ва 5 қаватли бўлиб, мукамал лойиҳа асосида қурилганидан ташқари, айни пайтда ҳам ишончли кўплар томонидан бошқарилаётганидир.

Республикаимизда мавжуд кўп квартирали уйни бошқариш электрон реестрдаги 9487 “Электрон Д” рақамига мурожаат қилсангиз, бунга ўзингиз ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Дарҳақиқат, микрорайонда бўлган кишининг иморатлар бир-бирига муносиб тушганлиги, уларнинг фасади кўркамлиги, атрофи озодлиги ва тартиблилиги, электр, газ, ичимлик ва оқова сув тизимлари пухта ишлаётганини кўриб, қалбида ҳавас уйғонишига шак-шубҳа йўқ. Атрофнинг ям-яшил дарахтзорга айлангани, гулу гулзорга бурканганлиги, кўчаларнинг саранжом-сарийшга ҳам диққатга сазовор.

– Биз йигирма йилдан зиёд вақт давомида ўзимизга бриктирилган манзил орасталигини сақлашдек вазифани ҳалоллик билан бажариб келяптимиз, – деди “Нурийдил қурилиш сервис” МЧЖ шаклидаги профессионал бошқарув сервис компанияси бош муҳандиси Абдулла Усмонов.

нов. – Мавжуд 63 та кўп қаватли уйда яшаётган уч ярим мингдан зиёд аҳолининг кундалик турмушидан хабар олиш, одамларнинг иссиқ, совуқ сув, электр муаммосини вақтида бартараф этиш билан бир қаторда атрофни тоза сақлаш ишларига маъсумимиз. Тозалик масаласи ҳар доим эътибордаги юмушлардан ҳисобланади. Бу борада Жаҳонгир Аббосов, Ботир Хикматов, Ғайрат Абдуллаев, Мунира Аҳмедова, Мавжуда Бобоева, Дилором Сафарова сингари сантехник, чилангар ва фаррошларимизнинг фидойилиги, самарали меҳнатига тасаннолар айтсак, арзийди.

Ҳа, тажрибали мутахассис Учқун Аббосов раҳбарлик қилаётган компания аҳолининг олқишини олиш, кишилар қалбига йўл топиш учун туну кун хизматга шай туришади. Абдулланнинг ўзи ҳам олий маълумотли кадрлардан. У Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш университетини тугатгандан буён шу соҳада меҳнат қилиб келади. Билмаган соҳаси йўқ. Ишчилар етиштирмаган пайтда кўл қовуштириб ўтирмай, ўзи ҳам ишга шўнгийди. Чунки хонадонларнинг бирида иссиқ сув, иссиқлик ёки совуқ сув бўлмай қолиши, электрда муаммо бўлиши, эшик бузилиши каби муаммолар чиқиб туради, албатта. Ошхонадаги ёки ҳаммомдаги сув узатиш жўмрагининг эскириши, яроқсиз ҳолга келиб қолиши ҳам табиий ҳолат. Қўли гул усталар ана шундай пайтда ёрдамга шошадилар. Бунда компанияда ташкил этилган 24/7 навбатчилик хизмати муҳим роль ўйнайди.

Жамиятнинг “Менинг уйим” электрон платформи мавжудлиги ҳудуд аҳолисининг коммунал тўловларни амалга оширишда ўзига хос ойна. Хисоб-китобларни тартибга келтиришда унинг аҳамияти катта. Натижа ҳам шунга яраша. Ўртада ҳеч ким сарсон бўлмаяпти.

Хизматга ҳамиша шай

Давр тақозосига кўра, Самарқандда ҳам тарқок кўп қаватли уй-жойлар анчагина қурилган. Уларга замонавий хизмат кўрсатиш бошқа жойларга нисбатан бироз кийинчилик туғдириши табиий ҳол. Мақсадли иш режасининг йўқлиги туфайли таъмирталаб уйлар сони ортиб, одамларда ҳақли эътирозлар сабаб бўлаётгани ҳам анчагина эди.



Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ана шундай пайтда ташаббус билан чиқиб, бу уйларда яшовчилар ҳолидан хабар оладиган янги – ҳокимият тасарруфидида давлат муассасаси шаклидаги “Самарқанд уй-жойлар таъмир” профессионал бошқарув ташкилотига асос солиди. Асосан, Боғишамол ва Вокзал ҳудудларидаги 21 та уй-жойлар ана шу сервис компаниясига ўтказилди. Тажрибали мутахассис Абдували Усмонов бошчилигидаги малакали усталар йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларга ечим топишга киришдилар.

– Биз ўзимизга тегишли уй-жойларни тартибга келтириш, “Энди нима қиламиз?” деган савол билан кўл қовуштириб ўтирмадик, – деди янгиликка қизиқувчан Абдували Усмонов. – Шаҳардаги кўп қаватли уйларнинг лифт муам-



моси анчадан буён кўпчиликда ташвиш уйғотаётганидан хабарим бор эди. Шундай пайтда ана шу камчиликларни бартараф этишда ўз ёрдамимизни тақлим қилишга киришдик. Соҳани яхши тушунадиган Фарид Латиповни қорлаб, шогирдлар тайёрлашни бошладик. Ҳозир унинг қўли остида ўндан зиёд ёш мутахассис касб сир-асрорларини пухта ўрганиш билан бирга, ҳаётга мустақил қадам ташламоқда.

– Раҳбаримиз ташаббуси билан биз шаҳардаги бошқа уйларда ўрнатилган лифтларни техник ҳолатини кўриқдан ўтказиш, уларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ҳамда бошқариш соҳасида кўрсатилаётган хизматдан даромад ола бошлагач шу йўналишни ривожлантиришга қарор қилдик, – деди таникли уста Фарид Латипов. – Очиғи, шаҳарда бу борада анчагина

Компания ходимларининг ана шу эзгу мақсад асосида фаолият юритаётганили ҳам уларга янада иштиёқ бағишламоқда. Хонадонлардан чиқайтган ахлат ва чиқиндилар тўпланиб қолганини сира кўрмайсиз, уйларнинг олди, теварак-атроф ҳаммаша озода. Кўккаламзорлаштириш, яшил майдонларни кўпайтириш йўлида жон қуйдираётганини кўриб ҳавас қиласиз. Баҳоидир Зийдуллоев, Майсара Содикова, Энвер Умеров, Зиёда Дўстмухаммадиева каби чилангар, боғбон, фаррош, электрчилар жонбозлиги, ўз касбини садоқат билан бажаряётганлиги сабабли аҳоли улардан миннатдор.

– Қаердаки хизмат намунаси йўлга қўйилса, уларга тўлов қилиш борасидаги муаммоларга ўз-ўзидан чек қўйилар экан, – деди компания раҳбари. – Биз ташвиқот юритмай аҳолининг тўловларини вақтида амалга ошираётганлиги, мавсумлар, айниқса, қиш мавсумига ҳозирлик пайтида бу жиҳасдаги кўриб, шундай ҳулосага келдим.

Эзгу ишнинг кечи йўқ

Сартепа – Самарқандга йўлдош шаҳарча сифатида қад ростлаган йирик аҳоли пунктларидан бири бўлиб, ўттиз мингдан зиёд аҳолини ўз бағрига сингирган. Худудни ташкил этилиш тарихи ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган бўлишига қарамадсан, у ҳамон ҳам энгиза, ҳам бўйига кенгайиб, тобора чирой очиб бормоқда.

“Самарқанд омад коммуналчи” масъулияти чекланган жамият шаклидаги бошқарув сервис компанияси ҳали навқирон бўлса-да, аллақачон ўз миқдорларини топиб, эл назарига тушмоқда. Айни пайтда 18 та 5,7 ва 9 қаватли хонадонларда истиқомат қилаётган 900 нафар мулкдорга хизматини тақлим қилиётган жамоа аъзолари тиним билмай меҳнат қилаяптилар. Улар уйларга коммунал хизматини тўхтатмаган ҳолда, атрофни ободонлаштириш, янада яшилликка буркашдек савоб ишларга кўл уришган.

– Баҳор яратувчилик, яшнатиш, худудни кўккаламзорлаштириш фаслидир, – деди компания раҳбари Улуғбек Ражабов. – Бу жараёнда коммунал хизмат ёки ободонлаштириш соҳаси ходимлари, айниқса, кўпчиликка иборат бўлиши лозим. Шунга мувофиқ, биз ҳам қараб турмаяптимиз. Юртимизга ўз сепини ёйган фаслда атрофни дов-дарахтга буркаш, гулу гулзорлар яратиш дардида далага отланганмиз. Мухими, бу хайрли ва савоб ишда мулкдорларимиз ва уларнинг оила аъзолари ҳам фаол қатнашяптилар.

Айни пайтда ҳудудда меҳнат сувори авжида. Билганида кучи бор инсонлар энг шимариб ишга киришган. Қолаверса, ишбилармон, ўз соҳасининг устаси бор жойда, ютуқларга кенг йўл очилиши табиий. Улуғбек Ражабов ҳам ярим асрдикки умрини коммунал соҳага бағишлаган, қалби юрт ишқиб бўлган ёндади. Қўл остидаги 20 нафар аъзоси ҳам ишнинг ҳадисини олган.

– Бошқарув сервис компаниясининг ташкил топганили бизга ўқшаган кишилар учун ҳузур-ҳаловат экан, – деди шу ерда яшовчи, 2-гуруҳ ногирони Аҳад ака. – Ана шундай олижаноб ҳамюртларимиз бор экан, юкимиз ерда қолмайди, ҳаётимиз тобора гузаллашаверади. Ҳозир деярли барча уйларнинг том қисми таъмирланиб, томчи ўттиш хавфи бартараф этилди. Йўлақлар тартибга келтирилиб, пиёдалар, спортсеварлар учун қулай шартоит яратилди. Биноларнинг фасад қисми замонавий кўринишга келтирилди. Лифтлар тўлиқ янгиланди, уйларга кириш-чиқиб эшиклар ҳам алмаштирилиб, кодли қулфлар ўрнатилди.

Бошқарув сервис компанияси раҳбарияти яқинда яна бир савоб ишга кўл урганлигини таъкидлаш керак. Худудга тегишли бўш турган 800 метр қвалрат жойда спорт майдончаси қуришга киришилди. У ниҳоясига етказилган, болажонлар умуман, спорт билан шуғулланувчиларининг сеvimли даргоҳига айланганига шубҳа йўқ. Яна бир янгилик шундаки, раҳбарларнинг сайъ-ҳаракати билан эндиликда хонадонларни марказлашган ҳолда иситиш тизимига улаш ишлари жадаллик билан давом эттирилмоқда. Бу ишда “Иссиқлик таъминоти” корхонаси билан биргаликда бошқарув сервис компанияси усталари фаол қатнашмоқда.





Рақобат муҳитига мослашиш давр талаби

Феруза Маҳмарасулова билан бир марта гаплашган одам узоқ вақт кўтаринки кайфиятда юради. Сухбат қизиган сари сиз ҳам жонлана бошлайсиз. Кутилмаганда нимагадир қўл ургингиз, ўзингизни синаб кўргингиз келади, ҳатто ҳаётингизда ниманидир ўзгартиришга уринасиз. Бу оддий таассурот эмас. Бу таъсир. Сўзларини табассум билан бошлаб, атрофдагиларга энергия улашишга ҳаракат қилади. Ҳар бир сўзида ишонч бор ва бу ишонч бошқаларга ҳам юқади.



Аҳдам ЭҒАМБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Кучли раҳбарлик сари

Феруза Маҳмарасулованинг ҳаёт йўлига назар ташласак, унинг ҳар бир қадамида қатъият ва ўзгаришга ташналик кўринади. 1966 йилда Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида туғилган қаҳрамонимиз Тошкент политехника институтини тамомлагач, ўз мутахассислиги бўйича гишт заводига йўлланма олади. Уша даврдаги ҳис-туйғуларини у шундай эслайди: "Ростини айтсам, бу мени қаттиқ хафа қилган эди. Аммо тушқунликка тушмадим, аксинча, ўзимни исботлашга қарор қилдим". Натijaда, бор-йўғи бир йил ичида оддий мутахассисдан директор ўринбосари даражасига кўтарилди. Бу эпизод унинг нафақат меҳнатсеварлигини, балки мавжуд шароитни ўзгартири олиш қобилиятини ҳам намоён этади.

Кейинчалик ҳокимлик тизими, Вазирлар Маҳкамаси ва йирик қурилиш лойиҳаларида орттирилган бой тажриба унга бошқаруving мураккаб механизмларини ўргатди. 2014 йилда давлат хизматидан чиқди, аммо фаол тафаккур узоқ вақт танаффус қила олмасди. 2021 йилда у ўзининг "Partners-Service Group-1" ("Mahmudjan Mukhtorov Service Partners") ва кейинчалик "Beltera Partners Service" компанияларига асос солиб, коммунал хизматлар соҳасида мутлақо янги саҳифа очди.

Соҳадаги энг катта муаммолардан бири – аҳолининг тўланган маблағлар қаерга кетаётгани борасидаги шубҳалари эди. Феруза Маҳмарасулованинг таъкидлашича, илгари аҳолидан йиғилган маблағларни банкка топширилгани-

ни исботлаш оғир кечган, ишончдан кўра ҳужжатбозлик кучли бўлган. Бирок бугунги кунда жорий этилган замонвий "Биллинг" тизими бу соҳада туб бурилиш ясади.

– Ҳозир шаффофлик юқори, ҳамма ўз маблағи қаерга ва нима мақсадга йўналтирилганини ўз кўзи билан кўриб турибди, – деди у. – Ушбу рақамлаштириш жараёни инсон омиллини камайтириб, хизмат кўрсатувчи ва истеъмолчи ўртасидаги ишонч кўпригини мустаҳкамлади. Бунда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг соҳани рақамлаштириш борасидаги савий-ҳаракатлари ва доимий қўллаб-қувватлови асосий таянч бўлмоқда.

Компаниянинг амалий фаолияти фақат рақамларда эмас, балки аҳолининг яшаш шароити яхшиланишида кўринади. Ҳокимият ёрдами ва мақсадли қўллаб-қувватлаш натижасида бугунги кунда Феруза Маҳмарасулова масъул бўлган кўп қаватли уйлarning 70 фоизи янги лифтлар билан таъминланган. Бу кўрсаткич қисқа муддат ичида амалга оширилган улкан ислохот натижасидир. Мирзо Улугбек туманида 400 та, Белтепада эса 270 та хонадоннинг электр шитлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Утган бир йил давомида жами 14,5 минг квадрат метр майдонни эгаллаган кўп қаватли уйлар томи сифатли қопламалар билан янгиланди. Шунингдек, 22 та йўлнинг тўлиқ таъмирдан чиқарилиши аҳолининг кундалик ҳаётига шинамлик олиб кирди.

Соҳанинг ривожланишида ҳуқуқий механизмларнинг самарали ишлаши ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Мажбурий ижро бюроси (МИБ) орқали ундирувларнинг самарадорлиги ошгани ва судларнинг адолатли ҳамда тезкор қарорлар қабул қилаётгани бошқарув-сервис компаниялари учун ҳақиқий таянчга айланди. Бу эса, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш сифатини барқарор сақлаш ва тизимли ривожланишга хизмат қилмоқда. 127 та кўп қаватли уй ортидаги минглаб тақдирлар масъулияти бугун мана шундай замонвий, шаффоф ва адолатли тизим асосида таъминланмоқда.

Коммунал соҳа хизмат кўрсатишдан ижтимоий институт даражасига қандай кўтарилди?

Бугунги кунда Ўзбекистонда коммунал хизмат кўрсатиш тизими тубдан янгиламоқда. Агар илгари ушбу соҳа фақатгина техник муаммоларни бартараф этиш, қувурларни таъмирлаш ёки худудларни тозалаш билан чекланган бўлса, ҳозирда бошқарув-сервис компаниялари (БСК)

фаолияти оддий хизмат доирасидан чиқиб, яхлит ижтимоий тизим даражасига кўтарилди. Бу трансформация жараёнининг марказида инсон омилли, аҳоли билан мулоқот ва ижтимоий масъулият ётибди. Феруза Маҳмарасулова раҳбарлик қилаётган тизим мисолида кўрадиган бўлсак, бугун коммунал соҳа вакиллари жамиятнинг энг қўйи ва энг муҳим бўғини – хонадонлар билан бевосита ишловчи ижтимоий институтга айланишга қўришмиш мумкин.

Компания фаолиятидаги энг диққатга сазовор жиҳатлардан бири – бу ижтимоий кўмак механизмларининг йўлга қўйилганидир. Айрим бошқарув-сервис компаниялари томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун биноларнинг ертўла қисмларида барча шароитга эга бепул турар жойлар ташкил этилмоқда. Бу шунчаки хайрия эмас, балки жамиятдаги оғир ижтимоий муаммоларни ечишда хусусий секторнинг улкан ҳиссаси ҳисобланади. Айрим оилаларнинг вақтинча мажбурий тўловлардан озод қилиниши, раҳбарларнинг ўз шахсий даромади ҳисобидан эҳтиёманд хонадонларга моддий ёрдам кўрсатаётгани соҳанинг инсонпарварлик тамойиллари асосида шакллантирилган далолат беради.

Бошқарув сервис компанияларига мурожаат қилувчиларнинг барчаси ҳам фақат техник носозликлар – сув қувури ёрилиши ёки электр энергияси узилиши сабабли келмайди. Феруза Маҳмарасулованинг таъкидлашича, бугун одамлар бу тизимни ўзига жуда яқин ҳис қилмоқда. Қўллаб-қувватлов шунчаки кундалик муаммолари ҳақида гаплашиб, дардини айтиши ёки маслаҳат олиш учун келишади. Бу ҳолат тизимнинг аҳоли ўртасида юксак ишончга эга эканлигини ва ўзига хос "маҳаллабай" ишлаш механизмининг муҳим қисми бўлиб хизмат қилаётганини кўрсатади. Бошқарув компаниялари 24 соат давомида иш режимида бўлгани сабабли, улар худуддаги ҳар бир оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, хонадонлардаги муҳит ва муаммолардан энг биринчи бўлиб хабар топадилар.

Бирок тизимни тўлиқ самарали ишлашига тўқнаш қилаётган асосий муаммо ҳамон жамият онгида эски қарашлар устуворлигидир. Кўпчилик истеъмолчилар янги бошқарув-сервис компанияларини хали ҳам ўзини оқламаган, хизмат кўрсатиш сифати паст бўлган эски уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан тенглаштиришади. Феруза Маҳмарасулова бу борада очик ва дадил фикр билдиради: эски тафаккур билан янги, замонвий тизимни қуриб бўлмайди. Охириги икки йилда бу борада ижобий ўзгаришлар кўзга ташланаётгани қувонарли. Аҳолининг тўлов маданияти секин-аста ошмоқда, одамлар сифатли хизмат учун

ҳақ тўлаш кераклигини, бу уларнинг ўз мулкига бўлган масъулияти эканлигини англаб етмоқда. Шунга қарамай, айрим ҳолларда ҳамон асосиз ваъдалар билан тўловдан бўйин товлаш ҳолатлари учраб турибди. Бундай вазиятларда тизимнинг барқарорлигини сақлаш учун муаммолар қонуний ва ҳуқуқий йўл билан ҳал этилмоқда.

Соҳани янада ривожлантириш ва уни профессионал даражага кўтариш учун бир қанча муҳим стратегик йўналишлар мавжуд. Биринчидан, бошқарув-сервис компанияларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада кучайтириш зарур. Бу нафақат имтиёзли кредитлар, балки техник базани янгилашда кўмаклаштириш ҳам кўзда тутади. Иккинчидан, энг муҳим масала – кадрлар масаласидир. Бошқарувчилар ва ходимлар учун мунтазам равишда семинар, тренинг ва маҳорат дарслари ташкил этилиши лозим. Соҳада ҳамон "эски ширкат" услубида ишлашга одатланган мутахассисларнинг борлиги инновацион ўзгаришларга тўқнаш қилаётган. Замонвий коммунал соҳа ходими нафақат техник билимга, балки психологик мулоқот кўникмаларига ҳам эга бўлиши шарт.

Учинчидан, маҳалла тизимида коммунал соҳа вакилларининг нуфузини ва иштирокини ошириш лозим. БСК ходимлари аҳолининг реал яшаш шароитини ҳамма мутасаддилардан кўра яхшироқ билади. Уларнинг 24 соатлик навбатчилик хизмати ва ҳуқуқ-тартибот органлари билан доимий ҳамкорлиги худуд хавфсизлигини таъминлашда беқиёс аҳамиятга эга. Шунингдек, хонадонлардаги ижтимоий ёрдам механизмларини давлатнинг ижтимоий ҳимоя дастурлари билан тизимли равишда уйғунлаштириш вақти келди. Бу орқали ёрдамга муҳтож қатламни аниқлаш ва уларга манзилли кўмак кўрсатиш жараёни янада тезлашади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, коммунал соҳа фақат қувурлар ва том таъмири эмас. Бу – инсонларнинг кундалик ҳаёт сифати, уларнинг уйидаги ҳаловат, хавфсизлик ва умумий кайфиятидир. Феруза Маҳмарасулова фаолияти ва қарашлари бизни ушбу соҳага бўлган тасаввуримизни қайта кўриб чиқишга ундайди. Мақсадимиз – коммунал соҳанинг "парда ортида" қолиб кетишига чек қўйиш ва уни жамиятнинг энг фаол, шаффоф ҳамда нафискор институтларидан бири сифатида намоён қилишдир. Зеро, бугунги кунда аксарият ижтимоий муаммолар айнан шу тизим ичида, халқ билан мулоқот майдонида ўз ечимини топтоқда. Бу тизимнинг кучи эса унинг беғубор ният билан хизмат қилаётган бошқарувчиларидадир. Катта ижтимоий ўзгаришлар ва ислохотлар айнан мана шундай кичик, аммо самимий қадамлардан бошланади.



Навоийда иссиқлик тизими янги босқичда

Анвар БҮРИЕВ,
Навоий вилояти
"Иссиқлик таъминоти"
МЧЖ директори.



Ўзбекистонда коммунал соҳани ислоҳ қилиш, инфратузилмани модернизациялаш ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар Навоий вилоятида янги босқичга чиқмоқда. 2026-2027 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида "Иссиқлик таъминоти" МЧЖ томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар нафақат мавсумий тайёргарлик, балки бутун тизимни янгилашга қаратилган стратегик дастур сифатида намоён бўлмоқда.

Мустаҳкам пойдевор – тармоқ ва ускуналар янгилашмоқда

Жорий йилги режаларга кўра, вилоят бўйлаб 11,9 километр иссиқлик тармоқлари мукамал ва жорий таъмирдан чиқарилиб, 16 та қозон ва 79 та насос ускуналари янгиланади. Бу ишлар, энг аввало, қиш мавсумида юзага келиши мумкин бўлган узиллишларнинг олдини олиш, энергия йўқотишларини камайтириш ва тизим самардорлигини оширишга хизмат қилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, инфратузилмани олдиндан тайёрлаш – барқарор иссиқлик таъминотининг энг муҳим кафолатидир.

"Янги Навоий" – замонавий шаҳар, кўплаб имкониятлар

Навоий шаҳрида барпо этилаётган "Янги Навоий" шаҳарчаси нафақат архитектура, балки муҳандислик инфратузилмаси жиҳатидан ҳам мулаққо янги ёндашув асосида ривожланмоқда. Ушбу ҳудудда 175 та кўп қаватли уй, яъни қарийб 15 мингга яқин хонадон ва 26 та ижтимоий объектни иссиқлик билан таъминлаш режалаштирилган.

Лойиҳа доирасида 14,2 километр магистрал ва 18 километр ички иссиқлик тармоқларини қуриш кўзда тутилган. Айни пайтда биринчи босқич – ички тармоқлар бўйича ишлар экспертиза жараёнида. Бу эса, яқин келажакда ҳудудда тўлиқ замонавий иссиқлик тизими шаклланишидан далолат беради.

Навоий шаҳри – модернизация ва рақамли ечимлар уйғунлиги

Президент қарорлари асосида шаҳарда қўшимча 17 километр иссиқлик тармоқларини таъмирлаш режалаштирилган. Бу орқали эскирган инфратузилма босқичма-босқич янгиланади. Шу билан бирга, 2026 йилда 293 та индивидуал иссиқлик пунктини ўрнатиш белгилангани тизимни рақамлаштириш ва энергия тежамкорлигини таъминлашда муҳим қадам бўлади. Бу ечимлар орқали ҳар бир хонадонда иссиқлик сарфи аниқ ҳисоб-китоб қилинади.

Учқудуқ – инвестициялар марказидаги ҳудуд

Бугунги кунда Учқудуқ шаҳрида амалга оширилаётган ишлар ўз қўлами ва аҳамияти билан бошқа ҳудудлардан алоҳида ажралиб туради. Бу ерда замонавий 110 МВт қувватга эга марказий қозонхона барпо этилди.

Бундан ташқари, 2026 йилда 32,3 миллиард сўм маблағ ҳисобидан иссиқлик тармоқларини модернизация қилиш ишлари бошланмоқда. Барча экспертиза жараёнлари якунланган бўлиб, айни пайтда пулратчи ташкилотни аниқлаш жараёни кетмоқда. Келгуси босқичда эса 426 та кўп қаватли уй ва 20 та ижтимоий объектда индивидуал иссиқлик пунктларини жорий этиш режалаштирилган. Бу эса, тизимни тўлиқ рақамлаштиришга хизмат қилади.

Зарафшон – янгилашлар амалий натижада

Зарафшон шаҳрида бугунги кунда мавжуд 32,4 километр иссиқлик тармоқларининг асосий қисми янгилашиб бўлди. Юзлаб техник ускуналар – заддвижка ва иссиқлик камералари ўрнатилди. Қўшимча 4,7 километр тармоқни таъмирлаш режалари эса шаҳардаги иссиқлик таъминоти сифатини янада яхшилаиди.

Карманада янги тизим шаклланимоқда

Ҳозирда Кармана туманидаги Сардоба маҳалласида марказлаштирилган иситиш тизимини барпо этиш бўйича лойиҳалаш ишлари олиб борилмоқда. Бу эса, мазкур ҳудудда ҳам замонавий инфратузилма яратилишидан далолат беради.



Фахрий мутахассислар мактаби

Бугун мамлакатимизда аҳоли турмуш сифатини юксалтириш, коммунал хизматлар барқарорлигини таъминлаш ва инфратузилмани модернизация қилиш устувор йўналишлардан бирига айланган. Айниқса, қишнинг изгири кунларида ҳар бир хонадонга иссиқлик етиб бориши – оддий хизмат эмас, балки юксак масъулият ва фидойиликни талаб этадиган мураккаб жараён. Ана шу шарафли вазифанинг пойдеворида эса кўп йиллик тажрибага эга, касбига садоқатли фахрий ходимлар турибди.

Навоий вилояти "Иссиқлик таъминоти" МЧЖ тизимида фаолият юритган ана шундай фидойи инсонлар бугун нафақат ўз меҳнати билан тарих яратган, балки янги авлод мутахассислари учун ҳақиқий мактаб вазифасини ўтамоқда. Уларнинг ҳар бири ортида ўнлаб йиллар, юзлаб синовлар ва минглаб муваффақиятли ишлар муҳассам.



Иссиқлик таъминоти тизими – бу кўзга кўринмас, аммо ҳаётини зарур тизимлардан бири. Қозонхоналар, иссиқлик тармоқлари, насос станциялари – буларнинг барчаси бир маромда ишлаши учун ҳар бир бўғинда аниқ ва узлуксиз меҳнат талаб этилади. Айнан фахрий ходимлар ана шу мураккаб механизмни йиллар давомида барқарор ушлаб келган асосий кучдир. Улар совуқ кунларда авария ҳолатларини бартараф этиш учун туну кун хизмат қилган, иссиқлик узиллишининг олдини олиш йўлида ўз саломатлигини ҳам аямаган инсонлардир. Баян биргина носозликни бартараф этиш учун соғатлаб, ҳатто кунлаб меҳнат қилишга тўғри келган. Аммо натижа, одамларнинг миннатдорлиги ва хонадонлардаги илиқлик – улар учун энг катта мукофот бўлиб келган.

Бугун тизимда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, модернизация ва рақамлаштириш жараёнларида фахрий ходимларнинг таърифи беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Улар ёш мутахассисларга нафақат касб сирларини, балки масъулият, интизом ва ҳалоллик каби қадриятларни ҳам ўргатиб келмоқда. Корхонада устоз-шогирд анъаналари мустаҳкам йўлга қўйилган бўлиб, ёшлар бевосита тажрибали мутахассислардан сабоқ олмақда. Бу эса тизимда билимлар узвийлигини таъминлаб, хизмат сифатининг ошишига хизмат қилмоқда. Ана шундай инсонлардан бири Рустам Ражабов 48 йилдан буён шу соҳада фаолият юритиб келаётган тажрибали ходимлардан. Зарафшон филиали қозонхона чилангари Исроил Зокиров ҳам соҳада катта тажриба орттириб, ёш кадрларга касб сирларини ўргатиб келмоқда.

Этиборлиси, Навоий вилояти "Иссиқлик таъминоти" МЧЖ томонидан фахрий ходимларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг кўп йиллик меҳнати муносиб баҳолалиб, турли байрам тадбирларида эътироф этилмоқда, рағбатлантириш чоралари қўрилмоқда. Бу эса, нафақат фахрийларнинг кайфиятини кўтарди, балки ёшлар учун ҳам кучли мотивация бўлиб хизмат қилади.



Аслида иссиқлик – бу фақат физик жараён эмас. У инсон қалбидан бошланади. Ўз ишини севган, эл хизматини шараф деб билган инсонларгина чин маънода бошқаларга илиқлик улаша олади. Навоийдаги фахрий иссиқлик таъминоти ходимлари ана шундай инсонлардир. Уларнинг ҳар бири ўз ҳаёти билан бир ҳақиқатни исботлаб берди: фидойилик ва садоқат билан бажарилган ҳар қандай меҳнат – жамият тараққиётининг мустаҳкам пойдеворидир.

Хулоса ўрнида тақдирлаш лозимки, Навоий вилоятида амалга оширилаётган бундай кенг қўламли ишлар нафақат куз-қиш мавсумига тайёргарлик, балки коммунал соҳада янги сифат босқичига ўтиш ҳамдир. Энг муҳими, ушбу ислохотлар орқали минглаб хонадонга нафақат иссиқлик, балки ишонч, барқарорлик ва қўлайлик кириб бормоқда. Навоий бугун коммунал соҳадаги ўзгаришларнинг амалий намунасига айланмоқда.

Аҳоли фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётганлар

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Юртимизда 18 апрель – Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кун деб эълон қилинганига бир неча йил бўлди. Бу кун аҳоли ҳаётидаги муҳим хизматларни, уй-жой ва турар жойлар барқарорлигини таъминлайдиган фидойи ходимларнинг меҳнати эътироф сифатида аҳамиятлидир.

Хусусан, Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида ҳам бир қатор бошқарув сервис компаниялари ушбу масъулиятни юқори даражада бажариб келмоқда.

Тажрибали ходимлар – сифатли хизмат калити

Қарши шаҳридаги 3-микрорайон, "Қунчикар" МФЙ ҳудудида жойлашган "Бинокор обод уй" бошқарув сервис компанияси бугунги кунда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш йўлида изчил фаолият юритиб келаётган фаол ташкилотлардан бири.

Ушбу компания ўз фаолиятини 2000 йилда анъанавий ширкат шаклида бошлаган бўлса, 2021 йилга келиб замонавий талаблар асосида бошқарув сервис компаниясига айлантирилди. Айни пайтда у 6 та ширкатнинг бирлашуви натижасида шакланган йирик тизим сифатида ўз ўрнига эга.



Бугунги кунда компания таркибиде 20 нафар малакали ходим меҳнат қилиб, Қарши шаҳридаги 50 та кўп қаватли уйдаги 1560 та хонадонга хизмат кўрсатиб келяпти. Мазкур бошқарув сервис компанияси моддий-техник база билан етарли даражада таъминланган бўлиб, барча зарур ускуналар, жиҳозлар ва иш қуролларининг мавжудлиги иш самардорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

– Иш самардорлиги, энг аввало, кадрлар салоҳиятига боғлиқ, – деди БСК раҳбари Давлатхон Раҳимова. – Тажрибали ходимлар эса сифатли хизмат калити, деб бежизга айтилмаган. Шу сабабли ҳар бир ходимни синчковлик билан танлаб, сўнгра ишга оламан. Бугун жамоамизда фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис ўз ишининг ҳақиқий устаси.

Ана шундай ёндашув ва тизимли фаолият натижасида "Бинокор обод уй" бошқарув сервис компанияси бугун аҳолининг ишончини қозониб, уй-жой ҳўжалиги соҳасида барқарор ва самарали хизмат кўрсатиб келмоқда.



Кўшимча хизматлар – аҳолига яна бир қулайлик



"Наво" МФЙ ҳудудида жойлашган "Қарши Сити Лидер" МЧЖ бугунги кунда аҳолига комплекс хизмат кўрсатиш йўлида фаолият олиб бораётган илғор бошқарув сервис компанияларидан бири сифатида ажралиб туради.

Мазкур корхона 2021 йилда ташкил этилган бўлиб, хозирда унга Ўқтам Қаландаров раҳбарлик қилиб келмоқда. Айни пайтда компанияда 16 нафар ходим меҳнат қилаётган бўлиб, улар 13 та кўп қаватли турар жойда истиқомат қилувчи 1180 нафар аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Компаниянинг ўзига хос жиҳатларидан бири – аҳоли учун қўшимча хизмат турларини ҳам йўлга қўйганидир. Жумладан, ўқув маркази ва фитнес зал фаолияти ташкил этилган бўлиб, бу аҳолига қулайлик яратиш билан бирга, хизмат кўламини кенгайтиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Шунингдек, корхона зарур моддий-техник база билан тўлиқ таъминланган. Бу эса, хизматлар сифатини юқори даражада ташкил этиш имконини бермоқда.

Жамоада фидойи ва масъулиятли ходимлар кўплиги ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Хусусан, аҳоли тўловлари билан шуғулланувчи Шаҳло Элмонова, фаррош Феруза Хусанова, компьютер



хизматлари бўйича мутахассис Шохсанам Бўриева каби ходимлар самарали меҳнати билан корхона фаолиятига муносиб хисса қўшмоқда.

"Қарши Сити Лидер" МЧЖ бугунги кунда нафақат уй-жой хизматлари, балки қўшимча имкониятлар яратиш орқали ҳам аҳоли ишончини қозониб, ўз мавқеини мустаҳкамлаб бормоқда.

Меҳнат ва замонавий хизмат кўрсатиш

"Ойдин" МФЙ ҳудудида жойлашган "Янги Ойдин" МЧЖ кўп йиллик тажрибага эга бўлган бошқарув сервис компанияларидан бири сифатида аҳолига самарали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Мазкур корхона дастлаб 2012 йилда ширкат сифатида ташкил этилган бўлиб, 2020 йилдан бошлаб замонавий бошқарув сервис компанияси шаклида фаолият юрита бошлади. Айни пайтда унга Дилора Дўстбаева раҳбарлик қилиб келмоқда.

Бугунги кунда жамоада 7 нафар ходим меҳнат қилаётган бўлиб, улар 16 та кўп қаватли уйда истиқомат қилувчи 1520 нафар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Компаниянинг моддий-техник базаси етарли даражада шаклангани хизматларни ўз вақтида ва сифатли бажариш имконини бермоқда.

Маълумки, иш самардорлиги нафақат техника ва жиҳозларга, балки инсон омилига ҳам боғлиқ. Бу жиҳатдан "Янги Ойдин" МЧЖ жамоаси алоҳида эътиборга лойиқ. Корхонада ўз ишига садоқатли, масъулиятли ходимлар кўпчилигини ташкил этади. Жумладан, сантехник ва



электрик Акбар Баратов, боғбон Обид Нормурод каби мутахассислар фаолияти хизматлар сифатида муҳим ўрин тутади.

Изчил тажриба ва меҳнаткаш жамоага таянган ҳолда "Янги Ойдин" МЧЖ келгусида ҳам аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни давом эттириши шубҳасиз.



Кўп қаватли уйларга ҳаёт бағишлаётганлар

"Шўртангаз" МФЙ ҳудудида жойлашган "Шухрат бошқарув" МЧЖ халқ орасида қисқа вақт ичида ўз фаолиятини самарали йўлга қўйган бошқарув сервис компанияларидан бири сифатида танилган.

Мазкур корхона 2024 йилда ташкил этилган бўлиб, унга Зафар Содиқов раҳбарлик қилиб келмоқда. Бугунги кунда жамоада 27 нафар ходим меҳнат қилаётган бўлиб, улар 58 та кўп қаватли уйда истиқомат қилувчи 3603 та хонадонга хизмат кўрсатмоқда.

Компаниянинг моддий-техник базаси етарли даражада шакланган бўлиб, бу хизматлар сифатини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Энг асосий жиҳатлардан бири эса, жамоадаги ҳар бир ходимнинг ўз касбининг устаси эканидир. Зеро, яхши кадрлар бор жойда иш унумдорлиги ҳам юқори бўлади.



Жумладан, иш юритувчи Нормурод Арзиев каби фидойи ходимлар корхона фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Уларнинг масъулиятли меҳнати компания нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда "Шухрат бошқарув" МЧЖ аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш орқали ўз мавқеини мустаҳкамлаб, келгусида янада ривожланиш сари изчил қадам ташламоқда.

Ходимлар меҳнати – хонадон тинчлиги

"Шодлик" МФЙ ҳудудида жойлашган "Жавлон – Зуфар" бошқарув компанияси бугунги кунда уй-жой ҳўжалиги соҳасида барқарор фаолият юритаётган ташкилотлардан бири сифатида эътиборга сазовор.

Мазкур компания 2021 йил май ойидан ўз ишини бошлаган бўлиб, унга Фарход Ўбайдуллаев раҳбарлик қилиб келмоқда. Хозирги кунда 19 нафар ходим меҳнат қилаётган ушбу корхона 40 та кўп қаватли турар жойдаги 1553 та хонадон ахлига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Компания келгусида ўз фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштирмоқда. Жумладан, АКФА цехини ташкил этиш ва шу орқали бошқа қурилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсад қилинган.



"Бу йўналишни йўлга қўйсақ, хизмат кўламини янада ошириш имконига эга бўламиз", – деди компания раҳбари.

Шунингдек, бошқарув сервис компаниясининг моддий-техник базаси ҳам етарли даражада шакланган. LAVO русумли автомашина, пайвандлаш ускуналари ва бошқа зарур жиҳозлар иш самардорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, жамоада фидойи ва ўз ишига масъулият билан ёндашадиган ходимлар кўп. Жумладан, ишчи ходим Анвар Қурбонов, назоратчи Озода Усмонова, сантехник Зарифбой Авазов каби мутахассислар корхона фаолиятида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда.

Ана шундай изчил ҳаракат ва режалар асосида "Жавлон – Зуфар" бошқарув компанияси келгусида янада ривожланиб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни давом эттириши шубҳасиз.

Янги компания – янги имкониятлар

"Чўлқувар" МФЙ ҳудудида фаолият юритиб келаётган "Чўлқувар сити-1" МЧЖ бугунги кунда янги ташкил этилган бўлишига қарамай, ўз олдида аниқ мақсад ва вазифалар қўйган бошқарув сервис компанияларидан бири сифатида танилган.

Мазкур компания 2024 йилнинг июнь ойида ташкил этилган бўлиб, айни пайтда унга Нуриддин Менглиев раҳбарлик қилиб келмоқда. Ҳозирда жамоада 5 нафар ходим меҳнат қилаётган бўлиб, улар 14 та хонадонга хизмат кўрсатмоқда. Муҳими, ушбу кўп қаватли уйларида истиқомат қилувчи 554 нафар аҳоли компания ходимлари меҳнатидан миннатдор.

Янги ташкилот бўлгани сабабли хозирча қўшимча хизмат турлари йўлга қўйилмаган бўлсада, аҳолининг кўнглига йўл топиб улгурган компания ходимларининг келгусида режалари бисёр. "Янги хизмат турларини кўпайтириб, халқнинг оғирини енгил қилишни, уларга қувонч улаштириш мақсад қилганмиз", деди компания раҳбари биз билан суҳбатда.

Янги имкониятлар йўлида



"Теолог" МФЙ ҳудудида жойлашган "Кебрун БСК" МЧЖ қисқа вақт ичида ўз фаолиятини йўлга қўйган янги бошқарув сервис компанияларидан бири сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Мазкур корхона 2025 йилда ташкил этилган бўлиб, унга Шухрат Қурбонов раҳбарлик қилиб келмоқда. Айни пайтда жамоада 7 нафар ходим меҳнат қилади. Уларнинг меҳнати туфайли 11 та кўп қаватли турар жойда истиқомат қилувчи 800 нафар аҳоли бугунги ҳаётдан миннатдор ҳолда яшамоқда.



– Ўз вазифамиздан ташқари, қўшимча тарзда қурилиш моллари ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланиб келамиз, – деди "Кебрун БСК" раҳбари Шухрат Қурбонов. – Келгусида эса филтраниланган сув ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиб, нафақат бизга бириктирилган ҳудуддаги аҳолини, балки бошқа ҳудудлардаги истеъмолчиларни ҳам тоза ичимлик суви билан таъминлашни режа қилганмиз.

Шунингдек, корхона моддий-техник база билан етарли даражада таъминланган. Damas ва Labo русумли автомашиналар, шунингдек, барча зарур асбоб-ускуналар иш самардорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Жамоадаги фаол ва фидойи ходимлар ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Жумладан, фаррош Соҳиба Тошқулова, назоратчи Ваҳоб Ашуров каби ходимлар ўз меҳнати билан корхона ривожига муносиб хисса қўшиб келмоқда.

Янги ташкил этилган бўлишига қарамай, "Кебрун БСК" МЧЖ изчил ривожланишни мақсад қилиб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш йўлида ишонч билан қадам ташламоқда.



Шу билан бирга, компания моддий-техник база билан етарли даражада таъминланган бўлиб, келгусида янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш режалаштирилган. Жамоадаги ҳар бир ходим ўз ишининг устаси экани ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Жумладан, назоратчи Азиза Раҳимова, лифтер Аваз Тураев каби мутахассислар фаолияти иш самардорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Қисқа вақт ичида ўз фаолиятини самарали йўлга қўйган "Чўлқувар сити-1" МЧЖ келгусида янада ривожланиб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни мақсад қилган.



Аҳоли янги тизимнинг қулайликларини амалда ҳис этмоқда

Кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ҳамда ҳудудлар инфратузилмасини замон талабларига мос равишда ташкил этишга қаратилган ҳукумат қарори қабул қилинганига ҳам беш йил тўлди. Дастлаб тажриба сифатида Наманган вилоятининг Давлатобод шаҳарчасида синаб кўрилган ушбу тизим ижобий самара бергани боис, собиқ ЖЭКлар ўрнини бошқарув сервис компаниялари эгаллади ва бугунги кунда улар орқали амалга оширилаётган бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган аҳоли томонидан мамнуният билан қарши олиниб, янги тизимнинг афзалликлари амалда ҳис этилмоқда.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" муҳбири.

Айниқса, Оролбўйи минтақасида соҳани пухта ўзлаштирган мутахассислар томонидан бошқарув сервис компаниялари фаолияти йўлга қўйилиши натижасида кўп қаватли уйларни тартибга келтириш ва уларни замон талабларига мослаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, тadbirkor Бийсенғали Утениязов Нукус шаҳрида 90 та кўп қаватли уйни бирлаштирган "Nukus kommunal servis" МЧЖни ташкил этиб, фаолиятини бошлар экан, аввало, ушбу ҳудудда яшовчи 2304 та хонадон аҳлига ўз бизнес режасини тақдим қилди. Утдан даврда собиқ ЖЭКлар фаолиятдан қониқмаган фуқаролар уй-жойларнинг сақла-ниш ҳолатига деярли безътибор бўлиб қолгани яққол сезиларди. Бу ҳолатни теран англаган Бийсенғали Утениязов уй-жойларни асраш ва коммунал хизматлар сифатини оширишда БСК олдида турган устувор вазифаларни белгилаш, шу билан бирга, аҳолининг маънавий фаоллигини кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди. Бу борада ҳар шанба кuni вазирлик таркибидаги тарғибот гуруҳи томонидан ўтказилган очиқ мулоқотлар самарали натижа бер-

риб, фуқароларнинг муносабати ва иштирокини сезиларли даражада фаоллаштирди.

Мазкур мулоқотлардан кейин аҳоли томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар умумлаштирилиб, соҳада тажрибаси бор мутахассислар жамоага жалб этилди. Дастлабки ишлар ертўралардаги муддатини ўтаб бўлган ичимлик ҳамда оқова сув қувурларини янгилашдан бошланди. Шунингдек, муҳандислик ечимлари орқали хонадонларни узлуксиз ва сифатли сув билан таъминлашга эришилди. Натижада биринчи йилнинг ўзидаёқ ундан ортиқ кўп қаватли уйнинг том қисми ва фасадлари таъмирланиб, ҳар бир уй олдида болалар учун спорт майдончалари ҳамда дам олиш ҳудудлари барпо этилди.

Уйлар ва атроф-муҳитни обод масканга айлантиришга жиддий киришган жамоа қисқа вақт ичида аҳоли ишончини қозониб, барча кириш йўлақларини сифатли таъмирлади, эшикларни янгиллади ҳамда тунги ёритиш чирокларини ўрнатди. Шу билан бирга, 40 дан ортиқ ноқонуний қурилган иншоот ва эгалланган ер майдонлари ихтиёрий равишда буздирилиб, уларнинг ўрнида аҳолига хизмат кўрсатувчи дўконлар қурилди. Албатта, қисқа муддатда бундай кенг қўламли ишларни амалга ошириш осон кечмади. Аммо тadbirkorнинг ҳаракатлари аҳоли ишончини оқлаш ва янги тизим самарадорлигини амалда намоён этишга хизмат қилди. Бу ташаббуслар эса Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан қўллаб-қувватланди.

Муҳими, одамлар янги тизимнинг қулайликларини амалда ҳис этиб, ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш ишларида фаол иштирок эта бошлади. Айниқса, уйбошилар тавсияси асосида ҳудудда яшаётган 20 дан ортиқ ногирони бор оилаларнинг хонадонлари таъмирланиб, уларнинг коммунал қарзлари компания ҳисобидан қўллаб берилди. Шу билан бирга, дебитор ва кредитор қарздорликларни бартараф этиш мақсадида мулкдорларнинг мажбурий бадаллари "Менинг уйим" билнинг тизимига

киритилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг "Клиринг" (Мунис) тизими ҳамда Click ва Урау каби электрон тўлов платформалари орқали онлайн тўловларни амалга ошириш учун бошқарувчи ташкилот томонидан тегишли шартномалар тузилиб, тизимга тўлиқ уланди.

"Қаловини тозиган қорни ҳам ёндирди" деганларидек, ишни тўғри ташкил этган Бийсенғали Утениязов кўп қаватли уйлар аҳолисининг ишончини оқлаб, ҳудуддаги 90 та уйни тўлиқ таъмирдан чиқарди. Натижада уларни кўрган киши яқин йилларда барпо этилган деб ўйлаши табиий. Бу ишлар "Nukus kommunal servis" МЧЖ фаолиятининг оммалашуви сабаб бўлиб, Оролбўйи минтақасидаги бошқа БСКлар учун тажриба мактабига айланди.

Компания жамоаси Нукус шаҳридаги Гулзор, Сарвиноз 1, 2 ва 3, 4-массивлари ҳамда "Орнек" ва "Тоне қалъа" кўрғонлари аҳолисини хизмат кўрсатиш билан бирга, Нукус шаҳридаги 51 та мактаб, 6 та маҳалла, 1 та оилавий поликлиника, 2 та мактабгача таълим ташкилоти ва 1 та олий таълим муассасасида ҳам тозалик ва ободончилик ишларини амалга оширмоқда. Бунда жамоа ихтиёридаги замонавий техника воситалари, жумладан, "Isuzu", "Damas" ва "Labo" каби транспортлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда жамоа олдидаги вазифалар янада кенгайиб, кўп қаватли уйларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида 20 дан ортиқ лойиҳа асосида 6 та уйни жорий таъмирлаш, 4 тасида ертўла ишларини яқунлаш, 12 та йўлак қуриш ҳамда хонадонларни иссиқлик манбалари билан узлуксиз таъминлашга қаратилган ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Дарвоқе, 2025 йилда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган "Энг яхши бошқарув органи" кўрик-танловида "Nukus kommunal servis" компанияси Қорақалпоғистон Республикаси босқичида голибликни қўлга киритиб, республика босқичида ҳам фахрли ўринни эгаллади. Бундай ютуқлар эса Бийсенғали Утениязовни янги ғоя ва лойиҳаларни амалга оширишга янада руҳлантирмоқда.



“КОММУНАЛ ЛОЙИҲА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ” ДМ

18 апрель —
Уй-жой коммунал хизмат
кўрсатиш соҳаси ходимлари кўни

билан юртимиз кўрки, ободлиги ва гўзаллиги йўлида меҳнат қилиб келаётган заҳматкаш соҳа ходимларини қўтлаймиз.

Ҳамиша халқнинг ардоғида бўлиб,
уларнинг ишончини оқлаб юринг.



“Кўзи ожизлардан эмас, кўнгли ожизлардан кўрқиш керак” – дейди “Сифатли тезкор лидер” БСК раҳбари Вафина Дилфуза

Шаҳар ҳаёти деганда кўз олдимизга дарров осмонўпар бинолар ва гавжум кўчалар келади. Бироқ шаҳар жонсиз иморатлар мажмуаси эмас. Уни тирик организмга айлантирадиган, ҳарорат бахш этадиган куч – одамларнинг меҳнати ва масъулиятидир. Айниқса, уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида тер тўкаётган инсонлар кундалик турмушимизнинг энг муҳим таянчи ҳисобланади. Ўз ишига сидқидилдан ёндашиб, ҳар бир хонадон ташвишини ўз дарди деб биладиган раҳбарлардан бири – “Сифатли тезкор лидер” бошқарув сервис компанияси раҳбари Вафина Дилфузадир.

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Пойтахтда таваллуд топган қаҳрамонимиз бугун нафақат тажрибали бошқарувчи, балки жамоанинг ҳақиқий ташаббускор етакчиси. Унинг жамоаси ҳозирги кунда 36 та кўп қаватли уйнинг ободлиги ва осойишталигига жавоб беради. Бу рақамлар ортида ҳар куни юзлаб хонадон тинчлиги, йўлақлар тозаллиги ва муҳандислик тармоқлари созлиги учун бажарилаётган изчил меҳнат ётибди. Дилфуза Вафина ишда қатъият ва талабчанликни биринчи ўринга қўя-

ди. Сифат ҳеч қачон ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, у доимий интилиш ва фидойилик маҳсулидир. Хизмат машиналари, мотороллерлар ва махсус ускуналарнинг ҳар йили янгиланиши иш унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

Лекин соҳа ташқаридан кўринганидек фақат техник жараёнлардан иборат эмас. Энг катта қийинчилик баъзан одамларнинг дунёқарашидан намоён бўлади. Афсуски, жамиятда ҳали ҳам коммунал соҳа ходимларига паст назар билан қараш иллати буткул барҳам топмаган. Кўпчилик бу тизимни шунчаки “пул йиғувчи” идора деб тушунади, аслида эса бошқарув сервис компаниялари бугун ҳақиқий ижтимоий институтга айланиб улгурди. Вафина опанинг раҳбар сифатида янглиш стереотипларга қарши самарали иш услуби орқали курашаётгани, халқнинг

ишончига сазовор бўлаётгани таҳсинга сазовордир. Унинг жамоаси хонадонма-хонадон юриб, аҳоли билан мулоқот қилар экан, одамларнинг муаммосини тинглаш, психологик қўллаб-қувватлаш ва маҳалла бирдамлигини сақлаш вазифасини ҳам бажаради.

Соҳанинг ҳақиқий синови қутилмаган табиий офатлар ва аномал совуқ пайтларида намоён бўлади. Ёдингизда бўлса, 2023 йилги қаҳратон совуқ кунларида бутун тизим жиддий имтиҳондан ўтди. Вафина Дилфуза ва унинг жамоаси ўшанда уйку нималигини билмади. Қувурлар музлаб, босим тушиб кетган, ҳар бир сония ганимат бўлган паллада улар том маънода фидойилик кўрсатишди. Бугун ҳам ўша кунлар хулосаси билан ҳозирлик ишлари олдиндан кўрилади. Ҳар бир клапан, ҳар бир иссиқлик



тармоғи қиш келмасдан аввал қайта-қайта назоратдан ўтказилади. Бу ишнинг энг ўзига тортувчи, сехрли жиҳати ҳам айнан мана шу қайноқ ва жонли коммуникатив муҳитдир. Ҳар куни ўнлаб одам билан гаплашиш, турли характердаги инсонлар кўнглини топиш раҳбардан улкан матонат талаб қилади.

Моддий-техник база ҳам муҳим, аммо асл куч инсон омилида. Вафина опа ўз жамоасида ишчанлик ва ҳамжихатлик руҳини шакллантира олган. Унинг назарида табассум билан қилган ишда барака ва хайр кўп бўлади. Жамоада ижобий муҳит яратиш, ходимлар ўртасида ўзаро ҳурматни мустаҳкамлаш унинг бошқарув фалсафасига айланиб улгурган. Раҳбар сифатида доим янгиликка интилади ва замонавий ёндашувларни тез ўзлаштиради. Билганларини бошқалар билан бўлишишни ўз бурчи деб билади. Зеро билим алмашинуви тараққиётнинг энг муҳим омили эканига қатъий ишонади.

Фаолиятидаги яна бир ўзига хос жиҳат – кўзи ожиз фуқаролар истикомат қиладиган худудларга хизмат кўрсатишидир. Бу юксак масъулият ва янада нозик ёндашув талаб этади. У яратилаётган қўлайликларни оддий мажбурият эмас, балки инсоний ғамхўрлик, эзгу ишларга сафарбарлик сифатида баҳолайди.

– Биз бошқараётган худудларда кўзи ожиз

инсонлар кўп. Уларга хизмат қилиш масъулиятдан ҳам кўпроқ кўнгли ишига айланган. Улар билан ишлаб шу нарсага амин бўлдим: кўзи ожизлардан эмас, кўнгли ожиз инсонлардан кўрқиш керак. Кўнгли ожиз одам яхшилиқни кўрмайди, қилинган меҳнатнинг қадрига етмайди. Шундай экан, жиҳмоний нуқсон бўлса ҳам қалби бутун, ёруғ орзу-умид билан яшаётган инсонларга нега таянч бўлмаслигимиз керак?! – деди қаҳрамонимиз.

Компания номи бежиз танланмаган. Ҳаммадан бир қадам олдинда бўлиш, ҳар бир ишда пешқадамлик раҳбарнинг кундалик фаолиятида яққол намоён бўлади. Қаҳрамонимиз етакчилиқни буйруқ беришда эмас, шахсий намуна кўрсатишда деб билади. Ҳаётини қарашларида оила алоҳида ўрин тутади. Оила тинчлигини муваффақиятнинг бош пойдевори деб ҳисоблайди.

Бугунги кунда “Сифатли тезкор лидер” бошқарув сервис компанияси аҳоли ишончини қозониб бораётгани раҳбар Вафина Дилфузанинг тинимсиз изланиши ҳамда жонқуярлиги самарасидир. Замон ўзгариб, талаблар янгиланса-да, ҳалол меҳнат ва инсонийлик ҳар доим қадрланади. Ана шу эзгу фазилатларни ўзида мужассам этган инсон ҳар қандай шароитда ҳам эл назарида бўлиб қолаверади.

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси

ФИДОЙИ СОҶА ХОДИМЛАРИНИ КАСБ БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Халқнинг корига яраб,
ўларнинг дўсони олиб юриш
насиб этсин.

Ҳудудларга кўрк бағишладдек
шарафли меҳнатингиз
роҳатини кўриб юринг.



Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига! “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2026 йил 9 апрелдаги 141-сонли буюртманомасига асосан, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудига жойлашган бир дона савдо шохобчаси ва 5 қаватли автотураргоҳнинг ертўла (падвал) қисмида қурилиши мавжуд омборхоналар ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

№	Савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	38-10В-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	120 000 000
2.	43-3-сонли, умумий майдони 175,00 м² бўлган падвал қисмидаги омборхона	1802 250 000
3.	43-4-сонли, умумий майдони 175,00 м² бўлган падвал қисмидаги омборхона	1802 250 000
4.	43-5-сонли, умумий майдони 255,00 м² бўлган падвал қисмидаги омборхона	2 626 500 000
5.	43-8-сонли, умумий майдони 150,00 м² бўлган падвал қисмидаги омборхона	1 545 000 000

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Таклифларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2026 йил 15 май куни соат 16.00 гача.

Талабгорларнинг таклифлари 2026 йил 19 май куни соат 11.00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2026 йил 2, 16, 30 июнь, 14, 28 июль, 11, 25 август, 8, 22 сентябрь, 6, 20 октябрь, 3, 17 ноябрь, 1, 15, 29 декабрь кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишади:

юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
жисмоний шахслар – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 30 фозидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширунгунга қадар тўлашлари шарт: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмazor филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиши мажбурийати юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй. **Телефон:** (71) 237-23-82.

“ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охириги тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент туманлари иқтисодий судининг **2023 йил 27 мартдаги 4-1001-2213/70662-сонли** иқтисодий иш қарорига асосан тугатилаётган **“SOLIN YO‘L”** МЧЖ суд тугатиш бошқарувчиси томонидан ва 2026 йил 15 апрелдаги №01/42-сонли буюртманомасига асосан савдога қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

- Хоразм вилояти, Хива шаҳри, Сангар МФЙ, С.Нурметов кўчаси, 18/2-уй манзилида жойлашган, Нотурар бино Ишлаб чиқариш шеҳи биноси. Умумий майдони 152,00 кв.м., Қурилиш ости майдони 152,00 кв.м.
Ер участкаси: 22.12.41.02.01.02.01, Бино ва иншоотлар: 22.12.41.02.01.00404 Кадастр рақамларидан иборат бўлган бино ва иншоотлар электрон-онлайн савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 121 460 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар аукцион савдоси 2026 йил 18 май куни online-tulk.uz платформасида бўлиб ўтади. Аризаларнинг рўйхатдан ўтказиш мuddати: 2026 йил 17 май куни соат 18-00 гача қабул қилинади.

Юқоридаги кўчмас мулк 2026 йил 18 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий электрон-онлайн савдолари 2026 йил 1 мартга 15 кун ораллигида такрорий савдолари ўтказилишини олдиндан маълум қилишимиз. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо қилинган савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш юклатилади.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 15 фозидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмazor филиалидаги х/р: 20208000905740427002, МФО: 01121, СТИР: 311 041 441 ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдосида рўйхатдан ўтиб тўланади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13А-уй. **Телефон:** (+99871) 237-23-82.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 17-20 апрель саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (ахборот хизматлари) бош мутахассиси **Чарос Садинова**, Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти бош мутахассиси (Фарғона вилояти бўйича) **Илхомжон Эшимбоев**, иш юритувчи **Эльмира Баймуратова**,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Кўп квартирли уй-жой фондини бошқариш қондаларига риоя этилиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Абдуназар Пардаев**,

“Urbanizatsiya va shaharsozlik hujjatlarini ishlash chiqish Respublika markazi” ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, лойиҳаларни бошқариш ва таҳлил қилиш бўлими бош мутахассиси **Зебинисо Юсупова**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” ДМ қоровули **Бегзод Абидов**,

“O‘zshaharsozlik LIT” ДМ шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-устахонаси 1-тоифали архитектори **Шаҳноза Тўхтаева**, “Навоий” филиали лойиҳа бош архитектори **Лазиз Қодиров**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги техник ходими – раҳбар котибаси **Зульфия Каипназарова**, Қўнғирот тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Шухрат Атажанов**,

Анджон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси АРТ мутахассиси **Мансурбек Ортиқалиев**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси **Зухриддин Абдурахмонов**,

Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Муржаатлар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси **Дилмурод Сойинов**,

“Иссиқлик таъминоти” АЖ фарроши **Маърифат Саидалиева**, “Анджон” филиали ходимлар бўлими инспектори **Эльвина Айдарова**, “Бухоро” филиали 1-бўлим қозонхона операторлари **Ахбор Тўраев**, **Эркин Тўраев**, “Фарғона” филиали истеъмолчилар билан ишлаш мутахассиси **Шоҳзамон Каримқулов**, “Қашқадарё” филиали 1-сон қозонхона бошлиғи **Зафар Шарипов**, Навоий вилояти “Конимех” филиали қозонхона оператори **Карим Қувондиқов**, “Навоий” филиали диспетчери **Фаррух Хидиров**, “Зарафшон” филиали иссиқлик тармоқлари жиҳозларини таъмирлаш бўйича чилангар **Мухриддин Уматов**, Тошкент вилояти “Ангрэн” шаҳар филиали бўлим бошлиғи **Юлия Мавраева**, IT хизмат кўрсатиш чилангари **Фахриддин Бегматов**, газ-электр пайвандчиси **Жаҳонгир Ниязов**, “Зангиота тумани” филиали қозонхонага хизмат кўрсатиш бўйича чилангар **Ҳабибулла Отажонов**, “Янгийул шаҳар” филиали Турон қозонхона қоровули **Эркин Шахрамов**,

Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги “City-Senter” БСК МЧЖ бош директори **Бахшулло Шукруллаев**, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Лочин-Санжар Бошқарув компания” БСК МЧЖ бош директори **Хусниддин Ибодов**, Нишон туманидаги “Sadriddin Yangibaevich Group” БСК МЧЖ бош директори **Садриддин Қоржовов**, “Nuriston Kommunalchisi Boshqaruvi Kompaniyasi” МЧЖ бош директори **Хусан Аҳмедов**, Тошкент вилояти Янгийул туманидаги “Мумтоз сервис Янгийул тумани” БСК МЧЖ бош директори **Нигора Абдувалиева**, Тошкент шаҳар Миробод туманидаги “Izmitrud Servis Piyus” БСК МЧЖ бош директори **Назокат Рустамова**, “Servis Uyutijiy Dom” БСК МЧЖ бош директори **Асқарбек Солибоев**ларни таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сўхат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, муштаҳкам соғлиқ тилаймиз!

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Савдога “Lombard Tashkredit” МЧЖнинг 2026 йил 15 апрелдаги 43-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги хусусий нотариал идоранинг 2025 йил 15 ва 30 декабрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар 1, 115-уй манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари аукцион савдога қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	7683	Кольцо 1 шт., о.в. 2,28 гр., ч.в. 2,24 гр., пр. 585	1 638 600,00
2.	22075	Кольцо 1 шт., о.в. 2,48 гр., ч.в. 1,80 гр., пр. 585	1 714 350,00
3.	26	Кольцо 1 шт., о.в. 4,51 гр., ч.в. 4,40 гр., пр. 585	2 296 716,00
4.	392	Браслет 1 шт., серъги и кольцо один комплект, цепь 1 шт., кулон 1 шт., кольца 4 шт., о.в. 29,14 гр., ч.в. 27,00 гр., пр. 585	19 636 800,00
5.	543	Цепь с дефектом 1 шт., о.в. 5,75 гр., ч.в. 5,75 гр., пр. 585	4 132 226,37
6.	559	Кольцо 1 шт., о.в. 1,20 гр., ч.в. 1,00 гр., пр. 585	729 600,00
7.	847	Кольцо 1 шт., о.в. 2,81 гр., ч.в. 2,81 гр., пр. 585	2 340 427,84
8.	1034	Цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 11,52 гр., ч.в. 11,52 гр., пр. 585	9 147 647,00
9.	1053	Кольцо 1 шт., о.в. 4,13 гр., ч.в. 4,00 гр., пр. 585	3 285 910,00
10.	1254	Серъги 1 пара, о.в. 1,34 гр., ч.в. 1,00 гр., пр. 585	715 711,09
11.	1335	Кольцо 1 шт., о.в. 3,00 гр., ч.в. 3,00 гр., пр. 585	2 253 318,32
12.	1565	Кольцо 1 шт., браслет 1 шт., о.в. 7,40 гр., ч.в. 7,10 гр., пр. 585	5 531 789,43
13.	2558	Кольцо 1 шт., серъги 2 пары, кулон 1 шт., подвеска с дефектом 1 шт., о.в. 18,38 гр., ч.в. 18,10 гр., пр. 585	14 667 600,00
14.	2757	Кольца 2 шт., о.в. 5,23 гр., ч.в. 5,10 гр., пр. 585	4 019 293,73
15.	2813	Серъги 1 пара, о.в. 3,57 гр., ч.в. 3,00 гр., пр. 585	2 830 301,02
16.	2832	Серъги 1 пара, о.в. 6,72 гр., ч.в. 3,70 гр., пр. 585	3 507 091,92
17.	2867	Кольцо 3 шт. с дефектом, кулон 1 шт., браслет 1 шт. с дефектом, серъга без пары 1 шт., о.в. 10,49 гр., ч.в. 9,20 гр., пр. 585	9 151 800,00
18.	2892	Кольца 2 шт., о.в. 5,45 гр., ч.в. 5,00 гр., пр. 585	4 292 505,93
19.	3072	Кольцо и серъги 1 комплект, о.в. 14,36 гр., ч.в. 8,00 гр., пр. 585	7 333 800,00
20.	3186	Кольцо 1 шт., серъги 1 пара, о.в. 5,04 гр., ч.в. 4,90 гр., пр. 585	4 834 050,00
21.	3350	Кольца с дефектом 4 шт., серъги 1 пара, о.в. 11,91 гр., ч.в. 11,67 гр., пр. 585	7 329 091,43
22.	3352	Цепь 1 шт., о.в. 8,58 гр., ч.в. 8,58 гр., пр. 585	8 394 300,00
23.	3363	Цепь с дефектом 1 шт., о.в. 6,96 гр., ч.в. 6,96 гр., пр. 585	5 665 138,60
24.	3376	Кольца 3 шт., о.в. 6,36 гр., ч.в. 6,30 гр., пр. 585	5 689 158,12
25.	3453	Кольцо 1 шт., серъги 1 пара, о.в. 6,79 гр., ч.в. 6,60 гр., пр. 585	5 792 540,00
26.	3546	Кольца 2 шт., о.в. 8,27 гр., ч.в. 8,00 гр., пр. 585	7 309 339,42
27.	3630	Кольцо 1 шт., о.в. 5,28 гр., ч.в. 5,00 гр., пр. 585	4 152 300,00
28.	3678	Кольцо 1 шт., серъги 1 пара с дефектом, о.в. 5,82 гр., ч.в. 5,82 гр., пр. 585	5 151 190,00
29.	3691	Кольцо 3 шт. с дефектом, о.в. 6,19 гр., ч.в. 5,40 гр., пр. 585	4 508 661,73
30.	3886	Серъги 1 пара с дефектом, о.в. 4,45 гр., ч.в. 4,45 гр., пр. 585	4 170 938,04
31.	3919	Серъги 1 пара, о.в. 4,20 гр., ч.в. 4,20 гр., пр. 585	3 603 477,62
32.	3978	Кулон 1 шт., кольцо 1 шт. с дефектом, колье 1 шт., браслет 1 шт., серъги 1 шт. с дефектом, о.в. 36,53 гр., ч.в. 32,00 гр., пр. 585	25 292 369,30
33.	4026	Цепь с дефектом 1 шт., о.в. 4,18 гр., ч.в. 4,18 гр., пр. 585	4 152 300,00
34.	4122	Кольцо 1 шт., о.в. 2,97 гр., ч.в. 2,97 гр., пр. 585	2 767 590,00
35.	4278	Кольцо 1 шт., о.в. 2,61 гр., ч.в. 2,61 гр., пр. 585	2 482 770,00
36.	4303	Подвеска 1 шт., о.в. 1,40 гр., ч.в. 1,20 гр., пр. 585	1 198 050,00
37.	4316	Серъги 1 пара, о.в. 4,77 гр., ч.в. 3,80 гр., пр. 585	2 031 300,00
38.	4362	Серъги и кольцо один комплект, о.в. 7,03 гр., ч.в. 7,03 гр., пр. 585	6 879 300,00
39.	4569	Цепь 1 шт., браслет 1 шт., серъги 1 пара, о.в. 9,45 гр., ч.в. 9,45 гр., пр. 585	8 065 000,41
40.	4604	Кольцо 2 шт., о.в. 3,35 гр., ч.в. 2,60 гр., пр. 585	2 637 300,00
41.	4662	Цепь 1 шт., кольца 2 шт., серъги 1 пара, о.в. 18,00 гр., ч.в. 16,75 гр., пр. 585	17 078 280,00
42.	4845	Серъги 2 пары, кольцо 1 шт., о.в. 8,72 гр., ч.в. 7,80 гр., пр. 585	7 091 400,00
43.	4928	Кольцо 1 шт., о.в. 3,43 гр., ч.в. 3,43 гр., пр. 585	3 697 800,00
44.	4952	Кольцо и серъги один комплект, кольцо 1 шт., о.в. 9,99 гр., ч.в. 9,30 гр., пр. 585	9 909 300,00
45.	5050	Кулоны 2 шт., серъги 1 пара, браслет 1 шт., о.в. 28,46 гр., ч.в. 26,80 гр., пр. 585	28 468 050,00
46.	5140	Цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 7,82 гр., ч.в. 7,82 гр., пр. 585	8 394 300,00
47.	5191	Цепь 1 шт., о.в. 5,51 гр., ч.в. 5,51 гр., пр. 585	5 046 150,00
48.	5201	Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 2,36 гр., ч.в. 2,00 гр., пр. 585	1 879 800,00
49.	5220	Кольцо 4 шт. с дефектом, о.в. 8,32 гр., ч.в. 8,20 гр., пр. 585	7 636 257,53
50.	5232	Брош 1 шт., кольца 3 шт., о.в. 8,25 гр., ч.в. 7,40 гр., пр. 585	7 636 800,00
51.	5343	Подвеска 1 шт., кольцо 3 шт., о.в. 8,01 гр., ч.в. 7,50 гр., пр. 585	7 636 800,00
52.	5351	КОЛЬЦО 1 ШТ., о.в. 1,17 гр., ч.в. 1,17 гр., пр. 585	1 189 630,64
53.	5447	Кольцо 3 шт. с дефектом, кольцо и серъги один комплект, о.в. 15,56 гр., ч.в. 14,50 гр., пр. 585	14 605 800,00
54.	5559	Колье 1 шт., о.в. 14,54 гр., ч.в. 13,50 гр., пр. 500	14 302 800,00
55.	5652	Цепь 1 шт., кулон 1 шт., серъги 1 пара, кольца 4 шт., о.в. 12,79 гр., ч.в. 10,40 гр., пр. 585	9 454 800,00
56.	5840	Кольца 2 шт., о.в. 7,00 гр., ч.в. 7,00 гр., пр. 585	7 636 800,00
57.	5848	Кольцо 1 шт., о.в. 2,14 гр., ч.в. 2,14 гр., пр. 585	2 485 800,00
58.	6105	Кольца 2 шт. с дефектом, о.в. 5,33 гр., ч.в. 4,30 гр., пр. 585	4 758 300,00
59.	6306	Кольцо 1 шт., браслет 1 шт., о.в. 8,84 гр., ч.в. 8,84 гр., пр. 585	8 606 400,00
60.	6593	Браслет 1 шт., о.в. 11,26 гр., ч.в. 11,26 гр., пр. 585	12 939 300,00
61.	6598	Цепь 1 шт. с дефектом, кулон 1 шт., браслет 1 шт., о.в. 22,48 гр., ч.в. 22,48 гр., пр. 585	24 301 800,00
62.	6611	Серъги 1 пара, о.в. 6,84 гр., ч.в. 6,84 гр., пр. 585	5 288 550,00
63.	6763	Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 0,94 гр., ч.в. 0,94 гр., пр. 585	819 300,00
64.	6884	Цепь 1 шт. с дефектом, о.в. 3,46 гр., ч.в. 3,46 гр., пр. 585	3 849 300,00
65.	7081	Кольцо 1 шт., о.в. 2,57 гр., ч.в. 2,57 гр., пр. 585	2 864 550,00
66.	7124	Кольца 2 шт., о.в. 4,79 гр., ч.в. 4,20 гр., пр. 585	4 606 800,00
Жами бошланғич баҳоси			443 516 521,49

Аукцион савдолар 2026 йил 19 май куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2026 йил 15 май куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари 2026 йил 19 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2026 йил 2 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати бир иш кунини аввал соат 16.00 гача.

Савдо қилинган савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фозидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ “Давр банк” Олмazor филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй. **Телефон:** 71-237-23-96. **Расмий веб-сайт:** www.tmm.uz.

001805 рақамли гувоҳнома.

“O‘ZBEKISTON BUNYODKORI” ГАЗЕТАСИГА

2026 йил учун обуна давом этмоқда!

- uzbunyodkor.uz
- info@uzbunyodkor.uz
- uzbunyodkor
- t.me/uzbunyodkor
- uzbunyodkor
-

Қурилишдаги ислохотлар: ислохотларнинг янги стратегик босқичи

Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
"Адолат" СДП фракцияси
аъзоси.



Мамлакатимизда урбанизация жараёнига рағбат берилганда шунчаки статистика эмас, балки иқтисодий ўсиш, инвестициялар оқими ва меҳнат унумдорлигини оширувчи стратегик ресурс сифатида қаралмоқда.



Шаҳарсозликда пала-партишликка чек қўйиш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш учун ҳар бир аҳоли пунктининг аниқ бош режаси бўлиши давр талаби саналади. Қуни кеча Президентимиз раислигида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда илгари сурилган "Бош режасиз қурилиш бўлмайдиган" деган қатъий тамойил соҳадаги янгиланишларнинг муҳим пойдевори бўлди.

Бундан буён ҳар қандай бино қурилишидан аввал сув, электр, газ ва йўл инфратузилмаси аниқ манбалар ҳисобидан режалаштирилади. Бу ёндашув келгусида аҳоли учун ноқулайликлар келиб чиқишининг олдини олиш билан бирга, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлайди.

Соҳадаги энг оғрикли муаммолардан бири бўлган бюрократия ва коррупцияга чек қўйишнинг ягона йўли бу – жараёнларни тўлиқ рақамлаштиришдир. Жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб тизимни сунъий интеллект имкониятлари асосида шаффолаштириш бўйича берилган топшириқлар тадбиркорлик субъектлари учун янги имкониятлар эшигини очди.

Шаҳарларимизнинг фақат энг кенгайтирилган инфратузилма харажатларини ошириши ва унумдор экин ерлари қисқаришига сабаб бўлаётганини инобатга олсак, Реновация дастурининг аҳамияти янада яққол намоён бўлади. Маънан эскирган уйлар ўрнида замонавий, энергия тежовчи ва хавфсиз мажмуалар барпо этиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас вазифасидир.

Айтиш жоизки, "Адолат" СДП Сайловолди дастурида ҳам аҳолини сифатли ва муносиб уй-жой билан таъминлаш борасида тизимли таъминотлар илгари сурилган. Партиямиз шаҳарсозлик ислохотларида инсон саломатлиги ва экологик барқарорликка алоҳида урғу бериб, истироҳат боғлари, болалар оромгоҳлари ва яшил ҳудудларни сақлаб қолиш, уларни хусусийлаштиришни тақдирлаш бўйича қатъий позицияда туради. Шунингдек, энергия тежамкор қурилиш меъёрларини қабул қилиш ва замонавий иситиш тизимларини жорий этиш орқали нафақат энергия хавфсизлигига эришиш, балки оилаларнинг коммунал харажатларини камайтириш ҳам бош мақсадларимиздан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, уй-жой қурилиши ва урбанизация соҳасидаги бу кенг қўламли ислохотлар Бош қомусимизда белгиланган фуқароларнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқини амалда таъминлашга хизмат қилади. Президентимиз томонидан белгилаб берилган стратегик вазифалар Янги Ўзбекистоннинг меъморчилик қиёфасини ўзгартириш билан бирга, халқимизнинг фаровон яшashi ва келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилгани билан ғоят аҳамиятлидир.

Гулнораҳон АБДУВОҲИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги "Адолат" СДП
фракцияси аъзоси.



Қуни кеча давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган қурилиш соҳаси мутахассислари, девелопер ва архитекторлар иштирокидаги кенгайтирилган йиғилиш мамлакатимизнинг яқин ўн йилликдаги меъморчилик ва шаҳарсозлик қиёфасини белгилаб берган тарихий воқеалик бўлди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ҳақиқатдан сўнги йилларда иқтисодий тизимдаги юқори ўсиш суръатларини таъминлашда қурилиш индустрияси энг асосий локомотивлардан бирига айланиб бормоқда. Рақамларга эътибор қаратилган бўлса, сўнги тўққиз йил ичида соҳада мисли кўрилмаган сифат ўзгаришлари юз берди. 2016 йилда қурилиш ишлари ҳажми 30 трил-

лион сўми ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткичнинг 314 триллион сўмга етгани иқтисодий қудратимизнинг 10 баравар ошганидан далолат беради.

Бугунги кунда соҳада 10 мингга яқин янги корхоналарнинг ташкил этилиши, 3,5 миллион аҳолининг бандлиги таъминлангани ижтимоий барқарорликнинг муҳим омилidir. Бироқ бугунги давр эришилган натижалар билан чекланиб қолмай, дунёдаги шиддатли ўзгаришлар, замонавий лойиҳа ечимлари ва сейсмологик хавфсизлик стандартларига мос равишда ҳаракат қилишга ундамоқда.

Хусусан, мамлакатимиз аҳолиси 38 миллиондан ошди, шаҳарлашув даражаси 51 фоизга етди. Бу кўрсаткич шунчаки статистика эмас, балки янги имкониятлар демакдир. Президентимиз таъкидлаганидек, урбанизация даражасининг 1 фоизга ўсиши иқтисодийнинг камида 1 фоизга ўсишига, инвестициялар оқими ва меҳнат унумдорлигининг каррасига ортишига хизмат қилади.

Бунинг учун эса бизга тизимли ёндашув бош режа ва мастер режалар зарур. Ҳозирги кунда айрим ҳудудларда тадбиркорларнинг маблағи

ва хоҳиши бўлсада лойиҳа ҳужжатларининг йўқлиги сабабли ишлар тўхтаб қолмоқда. Шу боис жорий йилда бюджет маблағлари ва ташаббускор бизнес вакиллари иштирокида 200 дан ортиқ аҳоли пунктининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқиши белгиланди. Бу ҳудудларнинг комплекс ривожланиши учун ташланган муҳим қадамдир.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари соҳадаги энг оғрикли нукта коррупция ва сансоларлик масаласига алоҳида тўхтади. Хусусан, тадбиркорнинг ерига солиқ, кредитига физ ёзилаётган бир пайтда, лойиҳа келишининг ойлаб чўзилишини Президент кескин танқид қилди.

Ечим сифатида 1 июлдан бошлаб тизим тўлиқ рақамлаштирилади ва сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланилади. Эндиликда ерни хусусийлаштириш бўйича аризаларга 5-10 дақиқада жавоб бериладиган, коммунал тармоқларга уланиш учун ягона ариза билан мурожаат қилинадиган шаффоф тизим яратилади. Бу соҳада йиллар давомида илдиш отган "қўлбола бошқарув" ва таниш-билишчиликка чек қўяди.

Шаҳарларимизнинг энг кенгайтирилган инфратузилма харажатларини 4-5 баравар ошириб, қимматли экин ерларининг камайишига олиб келмоқда. Шу боис, Президентимиз томонидан илгари сурилган реновация дастури давлат бошқарувидаги энг оқилона ечимлардан биридир. Маънан эскирган, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган "барак" типидagi уйлар ўрнида замонавий, энергия тежовчи ва барча ижтимоий қўлайликларга эга мажмуалар барпо этиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас вазифасидир.

Албатта, юқоридagi ўзгаришлар билан биргаликда жамоатчилик учун муҳим бўлган қурилишда сифат назорати масаласи ҳам янги босқичга кўтарилмоқда. Эндиликда 3 миллиард сўмдан юқори бўлган барча объектларнинг қурилиш онлайн кузатув камералари остида амалга оширилади. Бу нафақат бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши, балки биноларнинг мустаҳкамлиги ва хавфсизлигини кафолатлайди. Шунингдек, лойиҳачи ва пулратчиларнинг маъсулияти КР тизими орқали баҳолашни соҳада соғлом рақобатни юзага келтиради.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу тизимли ислохотларнинг бош мақсоди – Янги таҳрирдаги Конституциямизда мустаҳкамланган ҳар бир фуқаронинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқини амалда таъминлаш ва инсон кадрини улуғлашдан иборатдир.

Эскроу – кафолат ва қатъий назорат асосида ишлашга ўтказадиган муҳим механизм



Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 14 апрель куни уй-жой қурилиши ва урбанизация соҳасида амалга ошириладиган ишлар, мавжуд муаммолар ва келгусидаги устувор вазифалар юзасида видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

квартирали уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улушли қурилишда эскроу-ҳисобварақлар орқали ҳисоб-китоб қилиш тизими жорий этилмоқда.

Мазкур механизм улушли қурилишда иштинг эътибори фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг замонавий ва муҳим стандарти ҳисобланади, десак муболага бўлмайди.

Урбанизация ва уй-жой бозори миллий қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Шоҳруз ҲУКУРОВ ўза мухбири Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВга берган интервьюсида эскроу тизими, унинг ишлаш тартиби ва афзалликлари ҳақида тушунтириб берди:



– Ушбу тизим жорий этилишининг асосий сабаби фуқаролар маблағларини максимал даражада ҳимоя қилишидир, – деди Ш. Ҳукоров. – Бу тизимда улушдорнинг пул маблағлари шартнома тузилган пайтдаёқ қурувчига ўтказилмайди. Аксинча, улар ваколатли банкдаги махсус эскроу-ҳисобвараққа жойлаштирилади ва бутун қурилиш даври давомида шу ерда сақланади.

Қурувчи ушбу маблағларга фақатгина объект тўлиқ қурилиб, улушдорга фойдаланишга топширилгандан кейингина эга бўлади. Агар қурилиш белгиланган талабларга жавоб бермаса ёки ўз вақтида якунланмаса, маблағлар фуқарога қайтарилади. Бу эса харидор учун тўлиқ молиявий кафолат яратди.

Яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратишни истардим, жорий йил 1 апрелдан бошлаб тайёр кўчмас мулк ва транспорт воситалари бўйича ҳам эскроу-ҳисобварақлар муҳофизат қилинмоқда.

Бирок бу икки механизм мохиятан фарқ қилади. Тайёр мулк бўйича маблағлар шартнома нотариал расмийлаштирилган кунгек сотувчига ўтказилади. Улушли қурилишда эса маблағлар анча узоқ муддат – фуқаро ўз хонадон калитини олгунга қадар сақланиши мумкин.

Бу шунчаки ҳисоб-китоб воситаси эмас, балки бутун инвестиция даври давомида фуқаролар маблағларини ишончли ҳимоя қилувчи тизимдир.

Янги тартиб амалда нимани ўзгартиради? Энди қурувчилар объектларни аввалгидек фақат улушдорлар маблағлари ҳисобидан эмас, балки ўз маблағлари ва банк молиялаштириши орқали барпо этади. Шу билан бирга, қурилишда бошқичларда маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан қатъий назорат ўрнатилди.

Энг қувонарли тарафи эса ушбу тизим фуқароларга катта ишонч беради. Чунки уларнинг маблағларидан мажбуриятлар тўлиқ бажарилмагунга қадар на қурувчи, на бошқа шахс фойдалана олмайди.

Эскроу тизими бозорга ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Аввало, ноқонуний ёки тажрибасиз қурувчилар учун бозорга кириш анча қийинлашади. Шу билан бирга, нархлар барқарорлашади, фирибгарлик ҳолатлари, жумладан, бир уйни бир неча шахсга сотиш каби муаммолар камаяди. Барча тўловлар расмийлаштирилиб, молиявий интизом ҳам кучаяди.

Амалда бу нимани ўзгартиради?

Янги тартиб бўйича қурувчи объектни ҳозиргидек улушдорлар маблағлари ҳисобидан эмас, балки банк ва ўз маблағларидан барпо этади. Қурилишнинг барча босқичларида маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан тизимли назорат ўрнатилди. Фуқаролар тўлиқ молиявий кафолатга эга бўлади. Уларнинг маблағларидан мажбуриятлар тўлиқ бажарилмагунга қадар на қурувчи, на учинчи шахслар фойдалана олмайди.

Бозорни қандай ўзгартиради:

- нопок, қонунни четлаб ўтадиган ва тажрибасиз қурувчилар бозорга кира олмайди;
- нархлар барқарор шаклланади;
- фирибгарлик, бир уйни бир неча кишига сотиш, ҳужжатсиз савдолар камаяди;
- тўловлар тўлиқ расмийлашади ва мажбуриятларнинг бажарилмагунга қадар на қурувчи, на бошқа шахс фойдалана олмайди.

Эскроудан кейин харидор қандай фойда кўради:

- ҳимояланган тўлов;
- қайтариш кафолати;
- 100 фоиз расмий ҳужжатлар;
- режага мувофиқ қурилиш.

Таҳрир хайъати:
Шерзод Хидоятлов (Таҳрир хайъати раиси),
Давронжон Адилов, Тоир Алимов,
Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов, Юлдаш Мағрулов,
Бобир Элмуродов, Илхом Аҳмедов.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари –
Райҳона Жўраева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусахҳих – Марҳамат Муслимқулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

"Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
"ЎзГШКЛИТИ" МЧЖ,
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ,
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси,
18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси:
90-658-50-43.

Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.

Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-441. 1336 нусxada босилди. Қўғоз бичими А-2. Ҳажми – 6 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоли келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. **Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41.

Ўза якуни – 22.40 Топширилди – 03.50.